БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 196 (19.867). • 1987 йил 27 август, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ ҚУРОЛСИЗЛАНИШ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИККА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

МУРОЖААТНОМАСИ

Сизларни самимий табриклайман ва халқаро конференция ҳозирги дунёнинг мана шу туб проблемасини ҳал этишга ёндашувда янги имкониятларни аниқлаб беради, деб умид қиламан.

Қуролсизланиш муҳолифлари конференция йўлига солган ғовлар қуролсизланиш билан ривожланишнинг ўзаро боғлиқлигини ва бу вазифанинг долзарблигини яна бир бор тасдиқлади.

Ихтиёрий равишда ёки беихтиёр баъзи регионларнинг ва ҳатто бутун-бутун қитъаларнинг халқларини эксплуатация қилинувчилар ва ҳамма нарсадан маҳрум этилганлар аҳволида қолдириб, бу билан инсоният термоядро тўқнашувидан ҳам қолишмайдиган ҳалокатли можаро келиб чиқиши хавфини вужудга келтираётганлигини ҳамма тушуниб оладиган пайт келди.

Конференция муаммони кўриб чиқиш учун қулай бўлган бир пайтда, — етилган эҳтиёж ва ҳозирдаёқ мавжуд имкониятлар тўқнаш келган пайтда очилмоқда. Яқиндагина, Рейкъявикка ҳамда ўртача олислик ракеталарини ва оператив-тактик ракеталарни бутунлай тугатиш вариантига қадар бу муаммони кўриб чиқиш узоқ келажакдаги иш бўлиб туюларди. Бугун эса фақат истакларда эмас, балки реал сиёсатда ҳам қуролсизланиш ва ривожланиш сари йўллар бир-бирига яқинлашмоқда.

Мен икки классдаги ядро ракеталарини бутунлай тугатиш хусусида юзага келаётган битимни кўзда тутмоқдаман, АҚШ билан ГФР ҳаммага маълум бўлган ғовни олиб ташласалар, бу битимни эртагаёқ имзолаш мумкин.

Мен ракетадан мудофаа шартномасини мустаҳкамлаш шароитида иккита энг йирик ядродор давлатнинг стратегик ҳужум қуролларини анча камайтириш имкониятини кўзда тутяпман.

Женевада қуролсизланишга бағишланган конференция доирасида ўтказилаётган музокаралардаги силжиш ҳам муайян ишонч туғдирмоқда, бу конференцияда қирқ мамлакат вакиллари химиявий қуролни тақиқлаш ва унинг запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида конвенция тузишга яқинлашиб қолдилар.

Қуролсизланиш орқали ривожланиш принципи бир группа социалистик мамлакатлар жаҳон ҳамжамиятига тақдим этган халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш концепциясига уйғун боғлиқ қилиб қўйилган. Бу концепцияни кўпгина давлатлар маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганлигини ҳам мен конференция ишининг қулай шароити қаторига қўшаман.

Ниҳоят жаҳон жамоатчилиги ва нуфузли сиёсий доиралар ривожланаётган мамлакатлар зонасидаги иқтисодий аҳволдан ғоят ташвишланаётганлиги маълум. Эндиликда ривожланаётган мамлакатларнинг мустамлака талончилигининг янги шакли — нотенг алмашув келтириб чиқарган мисли кўрилмаган қарзлари билан империалистик давлатларнинг ҳарбий бюджетлари ортиб бораётганлиги ўртасидаги боғлиқликни кўплар кўриб туришибди. Ривожланаётган мамлакатлар империалистик давлатларнинг ҳарбий харажатларини талай даражада тўлаётганликлари фактининг ўта кетган адолатсиз эканлиги равшан.

Биз ва дўстларимиз бундай аҳволга чек қўйишнинг тўғри йўллари ва воситаларини тавсия қилмоқдамиз. Конференция социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари Берлинда қабул қилган «Кам ривожланишни бартараф этиш ва янги халқаро иқтисодий тартибни ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатни эътиборга олади, деб умид қиламан.

Жаҳон ҳамжамиятининг бу соҳада қиладиган ишлари жуда кўп. Ишончим комилки, қуролсизланишни тараққиёт омилига айлантириш йўлидаги куч-ғайратларни интернационаллаштиришга конференция сезиларли ва малакали ҳисса қўша олади.

Конференция қатнашчилари бизнинг фаол иштирокимиз ва мададимизга умид қилишлари мумкин. Совет Иттифоқи қуролланиш пойгаси муаммолари билан банд бўлган халқаро анжуманлар ишини интенсивлаш тарафдори эканлигини амалда намойиш этди, қуролсизланиш юзасидан Женева конференцияси ана шундай халқаро анжуманлардан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нуфузини ҳамда қуролсизланиш орқали ривожланишга кўмаклашишда унинг ролини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам мумкин бўлган ҳамма ишларни қилаверамиз. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам бу иш билан астойдил шуғулланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Қуролсизланиш ва ривожланиш муаммоларини БМТ Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари бўлган давлатлар олий раҳбарларининг махсус учрашувида принципиал жиҳатдан муҳокама қилиш фойдали бўлур эди.

«Ривожланиш учун қуролсизланиш» фундаментал принципини амалга ошириш, инсониятни жипслаштириш лозим ва жипслаштира олади, инсониятнинг умумжаҳон онгини тарбиялашда ёрдам бера олади.

Биз ҳарбий фаолият ва ҳарбий харажатлар хусусида ҳам ошкоралик ва рўйи ростликни кенгайтириш тарафдоримиз. НАТО билан Варшава Шартномаси ҳарбий доктриналарини қиёслашни қатъият билан таклиф этмоқдамиз. Бу эса ҳарбий бюджетларнинг кўпайтирилишига хотима бериш, бу харажатларни оқилона тарзда етарли даражада чеклаш мақсадида ҳарбий харажатларни реал қиёслашга ёндашиш имконини беради.

Ҳарбийлаштириш жараёнини тўхтатиш ва уни орқага буриб юбориш зарур. Ҳар бир давлат ўзининг конверсиялаш умуммиллий планини тайёрлаши халқаро ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлур эди, бу ҳарбий ишлаб чиқаришни камайтиришга азму-қарордан далолат берур эди.

Қуролсизланиш давомида бўшаб қоладиган маблағларни муҳтож мамлакатларга топшириш учун БМТ доирасида барча давлатлар учун очиқ бўлган «Ривожланиш учун қуролсизланиш» халқаро фондини вужудга келтириш кўнгилдагидек бўлур эди. СССР бундай фондда қатнашишга тайёр.

Инсоният ўз истиқболи мавжудлигига ишончи комил бўлишини истайди. Сизларнинг қарорингиз ана шундай истиқбол бўлишига ишончни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

М. ГОРБАЧЕВ.

ҲОСИЛ—87

Пахтакор ўртоқлар!

● Усимлик парваришини намунали уюштириб, мўл ҳосил тўплаш билан бирга унинг тезроқ етилишини таъминлайлик!

● Бу йилги шароит йиғим-теримни ғоятда қисқа муддатларда ўтказишни талаб қилмоқда. Барча терим техникаси мавсумга шай бўлсин!

● Далада ишлаётганлар учун қулай шароит яратиш меҳнат унумдорлигини таъминлашнинг муҳим шартидир!



Ғузор райони механизаторлари областда биринчи бўлиб йиғим-терим мавсумида ишлатиладиган барча техника воситалари ишга шайлиги ҳақида рапорт бердилар.

Агар илгари агрегатлар хўжаликларининг ўзида созланган бўлса, бу йилдан бошлаб машина-механизмлар район ишлаб чиқариш корхонаси цехларида марказлаштирилган усулда ремонт қилина бошланди. Бу 35 минг сўм иқтисод қилиш ва 140 ишчини бошқа ишларга жалб этиш имконини берди. Ремонт қилинган техника учун масъулият ҳам кучайди. Энди корхона коллективи бутун мавсум мобайнида техниканинг ҳолатига тўла жавобгардир. Суратларда: 1. Ремонт корхонасининг энг яхши слесарларидан бири А. Пўлатов. 2. Тайёргарлик чизигига қўйилган «зангори кема»лар.

Ш. Шаропов фотолари (ЎзТАГ).

• Машина терими—ишимиз унуми

Кейинги уч йилдан бери Қорақалпоғистон Автоном Республикасида пахта тайёрлаш планлари бажарилмаяпти. Нега шундай? Бунинг асосий сабабларини ўрганганимизда энг кўп пахта етиштириб берадиган Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа районларида пахтачиликни механизацялашга етарли эътибор берилмаётгани аён бўлди. Бунинг устига чигит экиш, экинни парваришлаш даврида агротехника қоидалари бузиляпти.

Айрим антимеханизаторлар ҳосилни машинада териб олиш мумкин бўлган ерларга ҳам турли баҳоналар билан агрегатларни киритмадилар. Шу сабабли кўплаб пайкаллардаги қанчадан-қанча меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин» вақтида териб олинмай, сифати пасайди. Баъзи ҳолларда исроф бўлди.

— Ўтган йили машинада пахта териш плани районимизда бажарилмасдан қолди,— деди Элликқалъа район агросаноат бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари А. Йўлдошев.— Бултургн хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, юбилей йилида қабул қилган социалистик мажбуриятимизни ошириб бажариш учун барча резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Теримда қатнашадиган барча техника воситаларини созлаш якунланай деб қолди.

Бироқ биз район хўжаликларида бўлганимизда кўплаб «зангори кема»лар эҳтиёт қисмлар етишмаслиги туфайли ремонт муддатини кутиб турганининг гувоҳи бўлдик.

ЁРДАМЧИЛАРГА УМИД БОҒЛАМАНГ

Тўрткўл райони хўжаликларида ҳам машина теримига тайёргарлик кўнгилдагидек ташкил этилмаган. Қатор колхоз ва совхозларда ремонтдан чиққан машина-механизмлар қабул комиссияси томонидан қабул қилиб олинган эмас. Устахоналарда ремонтчиларнинг унумли ишлашлари ва мароқли дам олишлари учун шароит йўқ. Улар жазирама иссиқда очиқ ҳавода ишлашяпти. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам, иш сифати ҳам паст бўлмоқда.

Ўтган йили район хўжаликларида 125 та пахта териш машинаси турли баҳоналар билан теримда қатнашмади. Қатнашганларининг ҳар бири билан ўртача 41,8 тоннадан пахта териб олинди. Айрим хўжаликларда машина терими умуман эътибордан четда қолди. Масалан, «Пахтаобод» совхозида ҳар бир машинада 4,6 тонна, Йўлдош Қурбонов номли совхозда 2,1 тонна пахта териб олинганлигини қандай баҳолаш мумкин?!

— Бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олишга қандай тайёргарлик кўрилди? — сўраймиз «Совет Ўзбекистони» колхози бош инженери И. Маткаримовдан.

— Ўн етти машинадан ўн олтитаси тайёр, биттаси ремонтда турибди. Бешта аппарат тракторга осилган. Ўн битта аппарат тайёр, — деб жавоб берди у.

— Машина теримига қанча гектар майдон ажратилди?

— Бунисини агроном билса керак...

— Колхозда бу йил уч минг тонна пахтани машинада териб олиш планлаштирилган. Ана шу пахтани машинада териб олиш юзасидан қандай тадбирлар белгиланган?

— Ҳар бир машинада 80 тоннадан кўпроқ пахта териб оламиз. Бунинг учун еттита машина сотиб олиб, пахта терадиган машиналар сонини 24 тага етказамиз. — деди устахона мудири Д. Сейтимбетов.

Аммо вақт ўтиб кетаётганига қарамай колхоз правлениеси ана шу машиналардан биттасини ҳам сотиб олгани йўқ.

Беруний районидаги Киров номли колхозда техника ремонтининг қандай ташкил қилинганлиги билан танишиш мақсадида хўжалик устахонасига келганимизда бу ерда икки кишидан бошқа ҳеч кимни учратмадик.

— Ремонтчилар қаерда?— деб сўрадик уларнинг биридан.

— Келиб қолишар, лекин кўпчилиги ҳашак ўримига жалб қилинган, — деди у.

Бош инженер Ш. Худойберганов шундай деди:

— Колхозимиздаги 1300 гектар майдондаги пахтанинг 800 гектардагисини машиналар ёрдамида териб олиш мўлжалланган. Бироқ ғўзалар машина теримига мослаб парваришланмаган. Ўсимлик баланд-паст бўлиб қолган. Кўп майдонлардаги ғўзаларни ёввойи ўт босиб ётибди. Шундай ерларда пахтани машиналарда териб бўладими?!

Юбилей йилида Тўрткўл, Беруний, Элликқалъа районларида ҳосилнинг анчагина қисмини агрегатлар ёрдамида териб олиш режалаштирилган. Аммо режалар билан амалий иш ўртасида узилиш катта. Эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида ремонт ишларини тугаллаш кечикиб кетмоқда. Созланиб, тайёргарлик чизигига келтириб қўйилган терим машиналарида кўплаб нуқсонлар учрайди. Машиналарнинг бир ярим-икки сменада ишлаши учун механизатор кадрлар етишмайди. Уларни ўқитиш, малакасини ошириш эса ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ёки хўжаликларнинг раҳбарлари бу йил ҳам студентлар, мактаб ўқувчилари кўмагига умид боғлашаётганмикин? Шундай бўлса улар қаттиқ янглишадилар. Ҳозир ҳамма ўз ишини қилиши керак. Ғойибдан мадад кутиш ўрнига барча имкониятларни ишга солиб, бор ҳосилни техника ёрдамида қисқа муддатда териб олиш ҳар бир соф виждонли пахтакорнинг бурчидир.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИШЧИ ГРУППАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

22 август куни СССР Олий Совети Президиумида қрим татарларига мансуб гражданларнинг ариза-ларида кўтарилган масалалар комплексини кўриб чиқувчи давлат комиссияси ишчи группасининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда қрим татарлари проблемаси муносабати билан келган хатлар ва телеграммалар тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Мурожаатномаларнинг жуда кўпчилигида турли миллатларга мансуб меҳнаткашлар давлат органлари миллий муносабат масалаларини кўриб чиқишга вазмнилик ва ишчанлик билан ёндашганликларини зўр мамнуният билан қайд этиб, бу масалалар адолатли ҳал қилинади, деган умид билдирмоқдалар. Хатларда ушбу проблеманинг мураккаблиги тушунилаётганлиги айтилади, барча миллатлар ва элатларнинг туб манфаатларини ҳисобга олиш зарурати таъкидланади. Авторларнинг асосий кўпчилиги қрим татарларига мансуб экстремистик кайфиятдаги шахсларнинг игвогарлик ҳаракатларини ғоятда даргазаб бўлиб қораламоқда. Бу кимсалар ҳокимият органларига тазйиқ кўрсатишга уринмоқдалар ва бу билан давлат комиссиясининг ишини қийинлаштирмоқдалар. Қрим татарларининг баъзи талаблари ва манфаатларини қондириш, СССР халқлари дўстлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлаш борасида амалий таклифлар киритилмоқда.

Маҳаллий ишчи комиссияларининг вакиллари —Тошкент областидан пахтачилик бригадасининг бошлиғи, СССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Ф. Сефершаев, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари, ВЦСПС аъзолиғига кандидат О. К. Адаманов, Тоцкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Д. К. Биарсланова, Қрим областидаги совхознинг бош агрономи, область Советининг депутати А. М. Типпа, Херсон областидан завод цехининг бошлиғи, область Советининг депутати А. К. Люманов, Новороссийск шаҳридан Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Р. И. Куртиев ва Краснодар ўлкаси Туапсе денгизчилар касалхонаси бош врачининг ўринбосари, қишлоқ Советининг депутати Р. Жемадинова олиб борилаётган иш тўғрисида ахборот бердилар. Улар комиссиялар ишга актив киришиб, жамоатчилик фикрини ва қрим татарларини ҳаяжонга солаётган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ конкрет таклифларни ўрганиб чиқаётганлигини маълум қилдилар.

Сўзга чиққанлар қрим татарлари яшаётган жойлардаги вазият ва одамларнинг кайфиятига баҳо бердилар, уларнинг меҳнат ва жамоат ишлари тўғрисида гапирдилар. Маҳаллий комиссияларнинг аъзолари мавжуд проблемага доир конкрет таклифлар киритдилар, ҳуқуқий нормаларни бузиш ҳолларини тугатиш тўғрисидаги, социал-маданий талаб-эҳтиёжларнинг яхшироқ қондирилиши ҳақидаги, она тилида китоблар, газеталар ва журналлар нашр этиш, ўқитиш учун имкониятларнинг кенгайтирилиши тўғрисидаги масалаларни ўртага қўйдилар. Қрим татарларининг тарихини, бу миллатнинг муносиб гражданлари фаолиятини янада кенгроқ ёритиш тўғрисида илтимослар айтилди. Ҳаваскор қрим татар қўшиқ ва рақс ансамбларининг, шунингдек «Ҳайтарма» профессионал ансамблининг гастрол-концерт фаолиятини кучайтириш юзасидан таклифлар киритилди.

Мажлисда паспорт режими масалаларига тааллуқли ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш билан боғлиқ қонун актлари ва баъзи мулоҳазалар тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан давлат комиссияси кўриб чиқишига киритиш учун тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

Маҳаллий комиссияларнинг бундан кейинги иш тартиби ва уларнинг давлат комиссияси ишчи группаси билан баҳамжиҳат иш кўриши келишиб олинди.

(ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

24 август куни КПСС Марказий Комитетида ўсимликларни муҳофаза қилишнинг юксак самарали воситаларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва улардан қишлоқ хўжалигида оқилона фойдаланиш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети секретарлари В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. С. Мураховский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, Л. А. Воронин, В. К. Гусев, Б. Л. Толстих, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудирлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, министрликлар, идоралар, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотларининг, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш органларининг раҳбарлари, олимлар иштирок этдилар.

Докладчи В. К. Гусев, сўзга чиққан министрлар Н. М. Ольшанский, Е. И. Сизенко, А. Н. Шчепетильников, Украина Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. Д. Крючков, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. И. Снегур, КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари Р. Х. Хабибуллин, СССР Фанлар академиясининг академиги Ю. А. Буслаев ва бошқалар қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этишни кенгайтириш учун албатта замонавий пестицидлардан фойдаланиш лозимлигини қайд этдилар. Ватанимиз саноати ишлаб чиқараётган препаратлар таъсир самараси ва тури бўйича қўйилаётган талаблардан анча орқада қолаётганлиги, сақлаш ва қўлланиш нормаларининг қўпол тарзда бузилиши оқибатида уларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири борлиги таъкидланди. Шу соҳадаги ишларни такомиллаштириш йўллари муҳокама қилинди.

Кенгашда В. П. Никонов нутқ сўзлади. Мамлакат Озиқ-овқат программасида белгиланган марраларга эришиш қишлоқ хўжалигини ҳар жиҳатдан химиялаштириш билан боғлиқдир деди у. Аммо юксак самаради, экологик жиҳатдан зарарсиз бўлган препаратларни ишлаб чиқиш, уларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришни уюштириш ва фойдаланишда анчагина камчиликлар ва нуқсонлар бор. Бу борада марказий ва маҳаллий органлар ишини тубдан қайта қуриш талаб этилади.

Ўсимликларни муҳофаза қилишнинг химиявий воситалари турларини тубдан ўзгартиришга, уларнинг сифатини кескин яхшилашга, мамлакатимизда энг янги препаратлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, химиявий комплексдаги бошқа министрликлар, машинасозлар иштирокида бу вазифани, аввало мавжуд корхоналарни реконструкция қилиб, тезда қайтадан созланадиган блок-модул қурилмаларни жорий этиб ҳал қилишлари керак. СССР Фанлар академияси билан биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказишни ва препаратларнинг янги турларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш керак. Қурилиш ташкилотлари пестицидлар ва улар учун хом ашё ишлаб чиқарадиган қувватларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш учун шошилинч тадбирлар кўришлари керак.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳофаза воситаларини, оз-озданмас ва ниҳоятда оз миқдорда сочадиган илғор техника ва ускуналарни қисқа муддат ичида яратиши ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши керак.

Агросаноат комплексида ўсимликларни муҳофаза қилиш бўлимлари ишини ташкил этишни қатъий яхшилаш, препаратларни сақлаш ва улардан фойдаланишда дарҳол тартиб ўрнатиш, экинларга энг мақбул муддатларда ишлов беришдан ва бу иш технологиясидан чекинишларга барҳам бериш, пестицидларнинг атроф-муҳитга салбий таъсир этишига йўл қўймаслик зарур.

Министрлик ва идоралар, жойлардаги партия органлари кенгашда айтилган мулоҳаза ва таклифларни кўриб чиқиб, амалий фаолиятда уларни ҳисобга олишлари керак.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ў. Р. УМАРБЕКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Ўлмас Раҳимбекович Умарбеков Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. РОМАНОВСКИЙ.

Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри, 1987 йил 25 август.

ҚРИМ ТАТАРЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШЧИ КОМИССИЯСИДА

25 август куни Тошкентда Ўзбекистон областларида яшаётган қрим татарларининг муносиб вакилларидан тузилган комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлди.

Комиссия раиси — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети депутати, Тошкент область Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг бригадири Ф. Сефершаев, комиссия раисининг ўринбосари — Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари, ВЦСПС аъзолиғига кандидат О. К. Адаманов ва комиссия секретари — Тошкент область ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Д. К. Биарсланова комиссияга қрим татарларига мансуб бўлган гражданлар ариза-ларида кўтарилаётган масалалар комплексини қараб чиқиш давлат комиссияси ишчи группасининг СССР Олий Совети Президиумида ўтган навбатдаги мажлисида ўз иштироклари ҳақида ахборот бердилар. Комиссия вакиллари жамоатчилик фикрини ўрганишнинг бориши, Ўзбекистон ССРда яшаётган қрим татарларини ҳаяжонга солаётган масалалар хусусида ишчи группасига ахборот бердилар. Улар мавжуд проблема юзасидан конкрет таклифлар тақдим этдилар, бу таклифлар мажлисда кўриб чиқилди.

Ишчи комиссиясининг аъзолари бундан буёнги иш тартибини ва бошқа бир қанча масалаларни кўриб чиқдилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА СУҲБАТ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Г. Ҳ. Қодиров 25 август куни Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Йогендра Кумарни қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида бош консул Ўзбекистонда КПСС XXVII съезди қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги, республика иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг ҳамма жабҳаларида қайта қуришнинг бориши, ишлаб чиқариш коллективларининг Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақадаги иштироки билан таништирилди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муттасил мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётганлиги таъкидланди. СССРда ўтказилаётган Ҳиндистон фестивали бундай алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлигининг янги далилидир, мазкур фестиваль тез орада Тошкентда давом эттирилади.

Г. Ҳ. Қодиров Ҳиндистоннинг Тошкентдаги бош консулига унинг фаолиятида муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

КПСС Марказий Комитетининг талаблари асосида ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш юзасидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советлари, министрликлари ва идораларининг вазифалари тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қабул қилган қарорда таъкидланадики, республика халқ депутатлари Советлари, министрликлари ва идораларининг ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролликни кучайтириш юзасидаги иши, ташкилий, иқтисодий, маъмурий-ҳуқуқий ва тарбиявий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши меҳнат коллективларидаги ва турмушдаги маънавий иқлимни соғломлаштиришга, интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтиришга ижобий таъсир қилмоқда. Шу мақсадда сарфланаётган кучғайратларни республика аҳолиси астойдил қўллаб-қувватламоқда.

Кейинги икки йил мобайнида республикада виноарақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш даражаси икки баравар камайди, бу эса аҳолининг илгари спиртли ичимликлар сотиб олишга сарфлаган 350 миллион сўмдан кўпроқ маблағини бўшатиб олиш ва уни ҳақиқий моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришга сарфлаш имконини берди. Вино комбинатларини қайта жиҳозлаб, шарбат ва ичимликлар ишлаб чиқаришга ўтказиш давом этмоқда. Спиртли ичимликлар сотиладиган дўконлар сони 10 баравар қисқартирилди.

Халқ депутатлари Советлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари соғлиқни сақлаш, Давлат агросаноат комитети органлари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда гиёҳвандликка қарши курашни анча кучайтирдилар. Областларда таркибида наркотик моддалар бўлган экинзорларни ва ёввойи нашазорларни аниқлаб, тугатиш юзасидан кенг миқёсли ишлар олиб борилмоқда. Бу йил 2 мингтадан кўпроқ ғайриқонуний экинзорлар аниқланди, 27 гектар майдондаги ёввойи нашазор йўқ қилиб ташланди. Наркотик моддалар тайёрлаш, сақлаш ва сотишга алоқадор жиноятларнинг пайини қирқиш соҳасидаги иш кучайтирилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида прогул оқибатида иш вақтининг зое ўтиши 7 процент қисқарди, ишлаб чиқаришда ва турмушда шикастланиш ҳоллари камайди. Шахсларнинг маст ҳолатда қиладиган жиноятлари даражаси қарийб 20 процент пасайди, ширакайф ҳайдовчилар айби билан содир бўладиган йўл-транспорт ҳодисалари озайди. Кўчаларда, парклларда, хиёбонларда ва бошқа жамоат жойларида ичкиликбозлик қилиш қисқарди, гражданларни медицина ҳушёрхоналарига олиб келиш икки баравар камайди. Республика шаҳарларида ва бошқа аҳоли пунктларида тартиб яхшиланди, меҳнаткашларнинг ижтимоий активлиги анча ошди.

Шу билан бирга халқ депутатлари Советлари, министрликлар ва идораларнинг ичкиликбозликни, алкоголизмни, гиёҳвандликни бартараф этиш соҳасидаги ишида жиддий камчиликлар бор. Кўпгина областларда, шаҳар ва районларда шу социал иллатга қарши курашнинг ўткирлиги пасая бошлади, у ҳужжатлар ва изчиллик билан олиб борилмаяпти. Баъзи маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари ичкиликбозлик, гиёҳвандликни тагтомири билан тугатишнинг нақадар муҳимлигини охиригача англаб олганлари йўқ, бепарволик ва пассивлик қилмоқдалар. Кундалик тушунтириш иши олиб бориш ўрнига юзаки тадбирлар, шошилинч рапортлар билан чекланиб қолинмоқда, қилинган ишлар ошириб кўрсатилмоқда. Бир қанча ҳоллларда маҳаллий органлар фақат тақиқлаш, маъмуриятчилик қилиш билан шуғулланмоқда, бу эса ичкиликбозликнинг ишлаб чиқаришдан ва жамоат жойларидан турмушга ва оилага кўчишига имкон бермоқда.

Тошкент, Наманган, Хоразм область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети алкоголизмга қарши қонунларга риоя этилиши устидан назоратни бўшаштириб юбордилар, жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини чуқур ва атрофлича таҳлил этмаяптилар. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳузуридаги ичкиликбозликка, гиёҳвандликка қарши кураш комиссияларининг фаолияти қўйилаётган талабларга ҳали ҳам жавоб бермайди, уларнинг ишида расмиятчилик ва сусткашлик кўп.

Ишлаб чиқаришда спиртли ичимликлар ичиш ҳоллари, айрим мансабдор шахсларнинг айбдорлар гуноҳини бекитиш ва жазодан сақлаб қолиш фактлари давом этмоқда. Навоий, Самарқанд, Андижон ва Тошкент областларида маъмуриятлар ва меҳнат коллективлари медицина ҳушёрхоналаридан ўз номларига келган хабарларнинг атиги учдан бир қисми юзасидан чора кўрганлар. Агросаноат комплекси бўлинмаларида, қурилиш ва автотранспорт корхоналарида ичкиликбозликка қарши кураш соҳасида айниқса ноҳуш аҳвол вужудга келган.

Айниқса ёшлар ўртасидаги гиёҳвандликка қарши курашнинг ҳолати ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда. Гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан оғриган ёшларнинг кўпайиб бораётганлиги Ўзбекистон ССР Маориф, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш министрликлари, Ҳунар-техника таълими давлат комитети бу муаммони ҳал этиш юзасидан ҳали ҳам барча узил-кесил чораларни кўрмаганликларидан далолат беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ичкиликбозликка, гиёҳвандликка қарши курашда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар, улар муносиб даражада активлик, фаоллик кўрсатмаяптилар ва ўз ишларини мувофиқлаштириб олиб бормаяптилар. Улар олиб бораётган иш ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка имкон берадиган сабаб ва шароитларни тугатишга етарли равишда қаратилган эмас, бу ишда меҳнат коллективларининг, жамоат ташкилотларининг имкониятларидан суст фойдаланилмоқда. Республикада самогон тайёрлаш, спиртли ичимликларни олиб сотиш билан шуғулланувчи шахслар кўпайиб бораётганлиги шунинг оқибатидир. Айрим регионларда ичкиликбозлик замиридаги жиноятчилик кўпайди.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, Ўзбекбирлашув, халқ депутатлари маҳаллий Советлари вино-арақ маҳсулотлари сотилиши устидан тузукроқ назорат қилмаяптилар, товар ресурсларини тўлдириш, молларнинг зарур турлари билан таъминлаш учун самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида алкоголли ичимликлар сотишни кўпайтиришга йўл қўйилди. Умумий овқатланиш корхоналарининг профилини ўзгартириш, шарбатлар, кондитер маҳсулотлар, кекс, мусқаймоқ сотишни кенгайтириш суст бормоқда. Республикада аҳоли жон бошига алкоголсиз ичимликлар истеъмол қилиш даражаси пастлигича турибди.

Сурункали алкоголизм, нашавандлик билан оғриган кишиларни даволайдиган наркология диспансерлари, стационарлар, лабораториялар, кабинетларнинг мавжуд тармоғи эҳтиёжларга мос келмайди. Бундай беморларнинг номини айтмасдан даволаш иши ҳам тўбдан яхшиланиши керак. Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш даражаси хусусида қаттиқ таъналар қилинмоқда. Мавжуд имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Юзаки, расмий тадбирлар аҳолини, айниқса ёшларни жалб этмаяпти. Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт-соғломлаштириш клубларида ва секцияларида тармоғи суст ривожланмоқда. Ўзбекистон Ҳушёрлик учун кураш ҳўғнилги жамиятининг республика кенгаши ташкилотлари ҳали ҳам яхши ишламаяптилар.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шуни таъкидлайдики, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг, халқ депутатлари Тошкент область Совети ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетлари, республика министрликлари ва идоралари ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтиришга оид зарур чора-тадбирларнинг бутун комплекси бир ой муддат ичида чуқур таҳлил этилсин ва кўриб чиқилсин;

— қуйи халқ депутатлари Советларига ва уларнинг ижроия комитетларига, ўзларига қарашли органларга нисбатан уларнинг алкоголизмга қарши қонунларга риоя этишлари учун талабчанлик оширилсин. Ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка қарши курашнинг самарадорлигини кучайтириш юзасидан қонунда бериб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлардан актив фойдаланилсин;

— бу масалалар маҳаллий Советларнинг сессияларида, ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг, министрликлар ва идоралар коллегияларининг мажлисларида, меҳнат коллективларида мунтазам равишда, кенг ошкоралик шароитида муҳокама қилинсин, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши қаттиқ контрол қилиб борилсин;

— ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилиш, давлат органлари, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш кучайтирилсин, шу салбий ҳодисалар тарқалишига имкон берувчи сабаб ва шароитларни бутунлай тугатишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга зарур даражада ёрдамлашилсин, қонунбузарликнинг пайини қирқиш чораларини кўрмайдиган корхона ва ташкилотлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан, бошқа мансабдор шахслардан жавобгарлик қаттиқ талаб қилинсин;

— ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши курашни кучайтиришда ичкиликбозликка ва гиёҳвандликка қарши кураш комиссияларининг, ижроия комитетлар ҳузуридаги маъмурий комиссияларнинг, жамоат ташкилотлари, ўртоқлик судлари, кўнгилли халқ дружиналарининг роли оширилсин, уларнинг ишида ошкоралик ва аниқлик таъминлансин;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, турмуш, дам олиш, туризм, одамларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш соҳаларида аҳолига кўрсатиладиган пулли хизматларни кенгайтириш, Советлар территориясида жойлашган ва қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар, барча корхоналарни бу ишга жалб қилиш юзасидан ҳамма узил-кесил чора-тадбирлар кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги (ўртоқ А. П. Антонов), Ўзбекбирлашув (ўртоқ О. М. Маҳмудов), савдо тармоғига эга бўлган бошқа министрлик ва идоралар вино-арақ маҳсулотлари сотишни тартибга солиш, улар билан савдо қилишнинг белгиланган тартибига қатъий риоя этиш, чайқовчиликка ва бошқа суиистеъмолларга имкон берадиган шароитларни тугатиш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсинлар. Товар оборoти планларини вино-арақ маҳсулотлари сотишни кўпайтириш ҳисобига бажариш практикасига йўл қўйилмасин. Кулинария, кондитер маҳсулотлар, ярим тайёр масалликлар ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаб сотиш ҳажмларини кўпайтириш учун ҳамма зарур чоралар кўрилсин.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари алкоголизмга қарши қонунларга ва гиёҳвандликни тугатишга қаратилган қонунларга қатъий ва оғишмай риоя этилишини таъминласинлар, бу салбий ҳодисаларни келтириб чиқарадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш, тугатиш соҳасидаги ишни кучайтирсинлар. Республика шаҳарларида ва аҳоли пунктларида, жамоат тартибини муҳофаза қилиш иши тўбдан яхшилансин, самогон тайёрлаш, жамоат жойларида ичкиликбозлик қилиш фактлари фаоллик билан тугатилсин, таркибида наркотик моддалар бўлган ғайриқонуний экинзорларни ва ёввойи нашазорларни тугатиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар кўрилсин.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги (ўртоқ С. М. Баҳромов) наркология хизмати фаолиятини такомиллаштириш, уни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни кўрсин, алкоголизм ва гиёҳвандлик билан оғриган кишилар ўз вақтида аниқланиб, даволанишини таъминласин. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим (ўртоқ М. Салоҳиддинов), Маориф (ўртоқ О. С. Аббосова) министрликлари ва Ҳунар-техника таълими давлат комитети (ўртоқ Р. Жўраев) билан биргаликда алкогол ва наркотик моддалар истеъмол қилишнинг зарари тўғрисида студентлар, ўқувчилар ўртасидаги тушунтириш ишлари кучайтирилсин.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ички ишлар министрлиги (ўртоқ У. Раҳимов) гиёҳвандлик ва заҳарвандлик билан оғриган балоғатга етмаган болалар учун даволаш-тарбия профилактирийсини барпо этиш тўғрисидаги таклифни тайёрлаб, белгиланган тартибда республика ҳукуматига тақдим этсинлар.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (ўртоқ И. Ҳ. Жўрабеков) алкоголсиз ичимликлар, шарбатлар, мусқаймоқ ишлаб чиқаришни анча кенгайтириши, уларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириши таъминласин. Вино-арақ маҳсулоти ишлаб чиқаришни тўхтатиб кўйган корхоналарнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қайта ускуналаниши 1990 йилгача тугалласин.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги (ўртоқ А. А. Муҳаммаджонов), Уй-жой коммунал хўжалиги министрлиги (ўртоқ В. К. Михайлов), Физкультура ва спорт давлат комитети (ўртоқ М. И. Иброҳимов), халқ депутатлари маҳаллий Советлари аҳоли, айниқса ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини яхшилашга, бадиий ҳаваскорлик ва техника ижодкорлигини, физкультура ва спортни ривожлантиришга, ҳаваскорлик бирлашмалари ва клублари тармоғини кенгайтиришга, турар-жой микрорайонларида спорт-маданий комплекслларини барпо этишга, шу жумладан ходимлари мазкур микрорайонларда яшайдиган тегишли корхона ва бирлашмаларнинг маблағларидан шу мақсадда фойдаланишга оид зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

Ўзбекистон Ҳушёрлик учун кураш кўнгилли жамиятининг республика кенгаши (ўртоқ Э. Ю. Юсупов) ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш соҳасидаги ўз фаолиятини активлаштирсин, ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтирсин, республика шаҳар ва районларида, айниқса истиқомат жойларида алкоголизмга қарши ҳаракатни кенг ривожлантириш, алкогол истеъмол қилишни соқит этадиган янги социалистик урф-одат ва маросимларни турмушга жорий этиш юзасидан узил-кесил чора-тадбирларни кўрсин. Жамият ташкилотларининг илғор иш тажрибаси мунтазам равишда умумлаштирилсин ва оммалаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёҳвандликнинг олдини олиш ҳамда тугатиш республика комплекс программасини ишлаб чиқиб, қабул этишни жадаллаштирсин.

Республика газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ичкиликбозликка, алкоголизмга ва гиёҳвандликка қарши кураш масалаларини атрофлича ёритишни кучайтирсинлар. Меҳнат ва ўқув коллективларининг, жамоат ташкилотларининг шу социал иллатларни тугатиш соҳасидаги фаолиятини пропаганда қилишга алоҳида эътибор берсинлар. Алкоголизмга қарши қонунларга риоя этилиши устидан кенг жамоат контроллигини амалга оширишда фаол қатнашсинлар.

*

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Бухоро тўқимачилик комбинати биринчи ип-йигирув фабрикасининг йигирувчиси Собира Тўраева Улуғ Октябрь 70 йиллик байрамини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилган. Айни пайтда у 1988 йилнинг март ойи ҳисобига маҳсулот топшираяпти.

Суратда: С. Тўраева иш устида.

Ҳ. Қурбонов фотоси.

*

● *КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қиламиз*

ПРАВДА

ИККИ РАЙКОМ — ИККИ ХИЛ ЁНДАШУВ

Район партия комитетининг пленуми... Унинг таъсирчанлиги нимага боғлиқ? Бу ўринда кўп нарса аҳамиятлидир. Докладнинг қанчалар танқидий эканлиги, музокараларда айтилган гапларнинг конкретлиги, қарорнинг пишиқ-пухта ўйланганлиги. Бир шаҳарнинг икки район партия комитетини олиб кўрганимизда долзарб проблемаларни муҳокама қилишга ёндашув турлича бўлиб чиқди.

ТАНҚИДИЙ ПОЗИЦИЯДАН ТУРИБ

Киров район партия комитети пленуми бошланиши олдидан Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги партия ташкилотининг секретари А. Соқиев қаердадир охирги қаторлардан бирида ўтирган эди. Район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Маҳмудованинг доклади тамом бўлиши биланоқ биринчи қаторга ўтиб ўтирди ва сўз беришларини илтимос қилиб, президиумга ёзув жўнатди. Минбарга чиқишга уни нима мажбур қилди экан?

Докладчи район территориясида Ўзбекистоннинг 25 министрлик ва идоралари борлигини, улар сафида минглаб коммунистлар борлигини таъкидлади. Хўш, улар фаолиятининг самараси қандай? Республиканинг Савдо, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Маҳаллий саноат, Енгил саноат министрликлари системасида хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишда туб ўзгаришлар сезилмаётир. Уларнинг раҳбарлари ўрганиб қолинган услублардан воз кечишни сира хоҳламаётирлар. Масалан, тикувчилик бирлашмаси йил бошидан бери ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитларида меҳнат қилмоқда— уч асосий кўрсаткич бўйича коллективнинг ўзи планларни шакллантирмоқда. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги бўлса ёрдам бериш ўрнига эскичасига ҳаракат қилиб, ўз билгича қарорлар чиқариб баъзан корхонага ҳалақит бермоқда.

Олдинига пленумда сўзга чиқиш нияти бўлмаган О. Соқиевнинг кейин сўз сўрагани-га ажабланишнинг ҳожати йўқ. Докладдаги аччиқ танқид унинг ҳаловатини бузган эди. Доклад фақат унга эмас, пленумнинг барча қатнашчиларига ҳам шундай таъсир қилди. Улар докладчига оғзаки ва ёзма равишда анчагина саволлар беришди. Музокарага чиққан ҳар бир кишининг сўзида конкрет, юзхотирсиз танқид ва ўз-ўзини танқид яққол сезилиб турди.

Район бўлса Тошкентда илғорлардан бири. Бу ерда анчагина яхши ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Корхоналар асосан муваффақиятли ишлашмоқда. Ишлаб чиқариш ва товар маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик топшириқ, шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш, социал-маданий-маиший объектларни ишга туширишни бўйича планлар бажарилди.

Аммо пленум қатнашчилари асосий эътиборни эришилган муваффақиятларга қаратишмади. Докладчидан сўнг улар қаерда ва кимнинг айби билан камчиликларга йўл қўйилганлигини ва қандай резерварлари ҳаракатга келтириш зарурлигини таҳлил қилдилар.

Шундай факт келтирилди. Агар ўтган йилги ва шу йилнинг беш ойи якунлари бўйича районда биронта ҳам қолоқ корхона бўлмаган бўлса, ҳозирги кунда вагон-ремонт ва гишт заводлари оқсаб қолаётир. Афсусланадиган ҳолми? Бўлмасамчи. Лекин пленумда шу фактни айтиш билангина чекланишмади. Ана шу икки партия ташкилотининг камчиликлари очиқ-ойдин айтилди, ишни ўнглаб олиш йўллари кўрсатилди.

Кировликлар олий сифат категориясига мансуб маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни уддалай олмаётирлар. Нима учун? Минбарга чиққанлар бунинг асосий сабаби давлат қабулига қониқарсиз тайёргарлик кўрилганида эканлигини айтишди. Чунончи, асбобсозлик заводи маҳсулот топширишнинг ана шу формасига ўтиш арафасида турибди. Худди ана шу лаҳзага келиб, корхона... аъло даражадаги маҳсулот салмоғини 14 дан 11 процентгача камайтириб юборди. Директор М. Галяутдинов ва партия ташкилотининг секретари Л. Трухачева ишда фаолиятсизлик кўрсатмоқда, технология интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида кам қайғурмоқдалар.

«Узбексельмаш» бирлашмасида эса давлат қабули анчадан бери ишлаб турибди. Аммо унга ёмон тайёргарлик кўрилди. Ҳозирда ҳам ҳукм сураётган бўшашувчилик ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Брак маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлар шахсан аниқланмаётир, уларнинг гуноҳлари ишлаб чиқариш ҳисобига ёпиб юборилмоқда. Ана шундай хотиржамликка берилиш вазиятида партия ва хўжалик раҳбарлари бўлмиш А. Дубравин, Т. Маҳаметов ва Б. Слепаковлар ўзларини принципсиз тутмоқдалар. Бирлашма партия комитетининг вужудга келган вазиятга аралашмаётганини танқид қилиб, Ш. Маҳмудова бу ўринда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда район партия комитети ва биринчи секретарь сифатида унинг ўзи жиддий камчиликларга йўл қўйганликларини очиқ тан олди.

Умуман шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қайта қуриш жараёнида корхоналар партия ташкилотлари йўл қўйган камчиликларни очиб ташлар экан, докладчи бунинг учун асосий масъулиятни партия комитетлари ва коммунистлар билан бахам кўрди. Район партия комитети бюроси секретарлари, аппаратининг иши ҳали эски излан тўла чиқиб олмаганлиги ўз-ўзини танқид асосида кўрсатиб ўтилди. Кабинетда ўтириб ишлаш услубидан бевосита коллективларда, бошланғич партия ташкилотларида ишлашга ўтиш жуда қийинчилик билан рўй бермоқда.

Район партия комитети фантехника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш фаолиятини лозим даражада жонлантиришга муваффақ бўлгани йўқ. Натижа шундай бўлдики, белгиланган 201 та тадбирдан бугунги кунда атиги 76 таси бажарилган.

Район партия комитетининг ишга ўз-ўзини танқид руҳида ёндашуви, унинг яқин вақт ва истиқболга мўлжалланган конкрет ҳаракатлар программаси маъқулланди. Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ партия штабига қайта қуришнинг йўллари ва методларини кўрсатиб беришди, партия комитети эътиборини талаб қиладиган масалаларга тўхталишди. Нутқлардан айрим жойларини келтирамиз.

Асбобсозлик заводининг пармаловчиси Г. Крисина: Бир нечта корхоналардан бирлашма ташкил этилди, унга бизнинг коллектив ҳам кирган. Шундай қилиш, бизнинг назаримизда, шошқалоқлик бўлди. Бошқарув системаси мураккаблашди. Эндиликда кутилаётган уч босқичли тобелик ўрнига тўртта «тўсиқ» пайдо бўлди: завод — бирлашма—бош бошқарма— министрлик. Район партия комитетида бу проблемани таҳлил қилиб чиқиш ва унинг ҳал этилишига кўмаклашишни илтимос қиламиз.

Автоколонна шофери Б. Жўрабоев Ўзбекистон Автомобиль транспорти министрлиги колонна планини муттасил ўзгартираётганидан даргазаб бўлиб гапирди. Район партия комитетининг бундай «беқарорлик» ҳақида билади, аммо у министрликка таъсир ўтказишга шошилмаётир.

Район ижроия комитетининг раиси Р. Ҳикматуллаевнинг нутқи кескин бўлди. Корхоналарнинг икки-уч сменали иш режимига ўтиши муносабати билан бу масаладаги сусткашлик уни безовта қилаётир. «Биз ҳозирча ишлар аҳволини тубдан ўзгартира олганимиз йўқ. Район партия комитети раҳбарлиги эса илгаридан қарор топган услубни синдиришда лозим даражада ёрдам бермаётир. Раҳбарлар оёқ тираб янгичасига ишлашни хоҳламаётирлар. Бу ўринда биз ҳаммамиз кўпроқ сабот-матонат кўрсатишимиз керак».

Қабул қилинган қарор пленум руҳига мос бўлди. У аниқ-равшан. Унда район партия комитети аъзоларининг барча истаклари ҳисобга олинди. Бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишини яхшилаш имконини берадиган жиддий тадбирлар белгиланди.

ЎЗИГА НИСБАТАН ТАЛАБЧАНЛИК БЎЛМАДИ

Собир Раҳимов районида ишлар кўпдан бери юришмаётир. Бу ерда бутун экономиканинг, социал ривожланишнинг ярим йиллик планлари барбод берилди. Давлат Сифат белгисига эга маҳсулотлар миқдори камайиб кетди. Шартномалар бўйича маҳсулот етказиб бериш даражаси 93,9 процентда қолди. Бу энг муҳим кўрсаткич бўйича топшириқларни корхоналарнинг ярмидан кўпи бажармаётир. Истеъмолчилар 5 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотни кам олдилар, район мамлакатнинг 30 га яқин корхонасига панд берди. Прогуллар ҳисобига иш вақтини йўқотиш кескин кўпайиб кетди.

Ана шундай мураккаб вазиятда район партия комитети интизомсиз раҳбарларга нисбатан ҳайратланадиган даражада кўнгилчанлик қилмоқда. «Миконд» заводи, «Тошкент» мебель бирлашмаси, 6-қурилиш трести йил бошидан бери орқага кетишмоқда. Район партия комитети бюроси турғунлик ҳолатларини чуқур таҳлил қилмайди, уларга принципиал баҳо бермайди. Уларни бартараф этиш учун партия ташкилотлари куч-ғайратини суст йўналтирмоқда.

Шубҳасиз, бюронинг иш услуби биринчи секретарнинг позициясига кўп жиҳатдан боғлиқдир, Т. Аҳмедов фаолиятида эса уюшқоқсизлик, сусткашлик, ишга таҳқидий ёндашмаслик рўй бермоқда. Бу қусурлар қайта қуришга албатта тўғаноқ бўлади-да.

Район партия комитети навбатдаги пленумга ана шундай «багаж» билан келди. Худди шу пленумда вужудга келган вазият чуқур партиявий позициялардан туриб таҳлил қилинади, камчиликларни тузатиш йўллари ва методлари коллектив равишда белгилаб олинади, деб ўйлаган эдик. Бироқ, шундай бўлмади.

Чунончи, докладчи корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш ёмон бораётганлигини айтди. Ярим йил ичида бригада методи бўйича ишлаётган коллективлар сони ҳам кўпаймади. Кишини ташвишлантирадиган фактлар, ноҳуш рақамлар келтирилди. Хўш, район партия комитети ишларни яхшилаш учун қандай чоралар кўрди? Бундан бўён вужудга келган вазиятни қандай тузатиш мумкин? Бу тўғрида на докладда, на музокарага чиққанларнинг нутқларида лом-мим дейилмади.

Еки сифат проблемасини олиб кўрайлик. Олий категорияга мансуб сифатга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш бўйича район биринчи ярим йиллик планни атиги 88,5 процент бажарди. Масалан, «Тошкент» мебель бирлашмаси Сифат белгиси билан бирон дона ҳам буюм ишлаб чиқармади. Ваҳолонки, бу корхона давлат қабули шароитида ишламоқда. «Н» индекси билан сифати яхшиланган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича топшириқ умуман район бўйича 56 процентга бажарилди. Бундай маҳсулотнинг улуши ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида атиги 6,4 процентни ташкил этадики, бу шаҳар бўйича ўртача кўрсаткичдан 3,5 баравар камдир.

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун бошланғич партия ташкилотлари ва район партия комитети нима қилишлари керак эди, бундан буён нима қиладилар деган саволларга пленум минбаридан яна ҳеч қандай жавоб эшитилмади. Дарвоқе, бутун доклад ишларни қайд қилиш принципи бўйича тузилган эди. Докладда энг асосий нарса — камчиликлар сабабларининг таҳлили, бундан буёнги ҳаракатнинг аниқ программаси йўқ эди.

Ана шунда кишида завод ва фабрикалар коллективлари ўз-ўзича, район партия комитети ўз-ўзича иш кўраг экан, деган таассурот пайдо бўлади. Бошланғич партия ташкилотларининг ишлари ва ташвишлари район партия комитети учун ҳам ана шундай муҳим эканлигини ҳис этмайсан киши.

Докладнинг ўз-ўзини танқиддан йироқ мазмуни музокарага чиққан нотиқларга ҳам таъсир қилди. Мана, масалан, «Тошкент» бирлашмаси партия комитетининг секретари Х. Юсупжонов сўз олади. Бу коллектив ярим йилликни ишлаб чиқариш ва молия соҳалари бўйича планни бутунлай барбод қилиш билан якунлади. Ана шундай вазиятда партия ташкилоти раҳбари иш якунлари нега шундай бўлди, партия комитети ва маъмурият қайта қуришни қандай амалга оширмоқчи, деган саволларга жавоб бериши керак эди. Аммо... Юсупжоновнинг узундан-узоқ нутқида ҳеч қандай аниқ позиция ҳақида гап бўлмади. Унинг нутқи баландпарвоз цитаталар, умумий дабдабали чақириқлар, чиройли иборалар билан тўлиб тошган эди. Бундай нутқ залдагиларни таажжублантирди, холос.

«Бугун, — деди секретарь, — бирлашмамизда рўй бераётган воқеаларда иштирок этар эканман, мен ишлаб чиқаришни бошқариш — бутун бир фан эканини тушундим. Шунда менинг партком секретари сифатида бирданига ўзимнинг ташкилотчилик қобилиятимни янгичасига кўрсатиш, кўпгина масалаларни ҳал этишда дадилроқ бўлиш истаги туғилиб қолди. Бу шунчаки истак эмас, мутлақо бундай эмас. Ўзимда инсоний қобилиятларнинг улкан имкониятларини кўрдим, тўғрироғи ҳис этдим». Кўрниб турибдики, бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ.

Пленумнинг бошқа қатнашчилари нутқи ҳам худди шундай руҳда бўлди ёки оддий ҳисобот беришга айланиб кетди. Ҳеч ким район партия комитети ишини танқид қилмади, ҳеч ким конкрет таклифлар айтмади, ишни яхшилашга қаратилган истаклар билдирмади. Нотиқлар ўзларининг барча камчиликларини бошқаларнинг елкасига ортишга уринишди. Чунончи, металлга ишлов бериш бўйича бирлашманинг бош директори М. Султонов фақат ўз камчиликлари тўғрисида енгил-елпигина гапирди, партия комитетининг нуқсонлари тўғрисида лом-мим демади. У дарҳол маҳсулот етказиб берувчиларни, республика Госпланн ва Госснабини, бошқа корхоналар ва ташкилотларни айблашга тушиб кетди. Агар директорга ишонгудек бўлинса юқорида саналганлар бирлашма коллективига панд бераётган эмишлар.

Очиғини айтиш керак, пленумда принципиал, очиқ партиявий гап бўлмади. Қабул қилинган қарор ҳам мутлақо қониқтирмайди. У бошдан-оёқ умумий чақириқлар ва адрессиз топшириқлар беришдан иборатдир. Унда конкрет тадбирлар ва конкрет ижрочилар йўқ. Бундан кейинги қилинадиган ишларда бунақанги ҳужжатга қандай амал қилиб бўлади.

В. АРТЕМЕНКО,
«Правда» мухбири.

(«Правда», 1987 йил 26 август).

ТАСС ахбороти

25 август куни Москва вақти билан соат 18.00 да Совет Иттифоқида Янги Ер ороллари районида оддий портловчи модданинг заряди ер устида портлатилди.

Мазкур портлатиш ҳарбий техникани такомиллаштириш мақсадида ўтказилди.

ДАЛАДАН ТЎҒРИ БОЗОРГА

● **СОЛДАТСКИЙ. Галаба районн марказида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси ҳар якшанба кунлари одамлар билан гавжум.**

Ярмаркани сабзавот, меваполиз ва чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда районнинг етти хўжалиги жонбозлик кўрсатмоқда. Харидорлар даладан тўғри бу ерга келтирилган сархил мош, жўхори сўтаси, картошка, гуруч, узум, олма, жами — 16 хил маҳсулотни харид қилиш имконига эга бўлдилар.

Фақат кейинги якшанба кунининг ўзидагина 20 тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Димитров номли колхоз. Волков номли ва «Огонёк» совхозлари ярмарка мўл-кўллигини таъминлашда, айниқса, кўп ҳисса қўшдилар.

А. МАННОПОВ,
Тошкент области.

● *Мутахассис маслаҳати*

● Пахта териш машиналари унумли ишлаши керак.
● Ғўза баргларининг камида 85 процанти тўкилиши шарт.
● Бу йил мактаб ўқувчилари пахта йиғим-теримига жалб этилмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бу хусусдаги кўрсатмаси қатъий.

БУТИФОССИЗ ФАСЛ

Бу йил ғўза дефолиацияси бошқача бўлади. СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги буйруғи билан бутифосдан фойдаланиш ман этилди. Унинг ўрнига хлорат магний, хлорат-хлорид кальций ва бутилкаптакс билан хлорат магний аралашмаси ишлатилади. Бу препаратлар ҳам белгиланган тавсияларга қатъий риоя этилган ҳолда қўлланиши шарт.

Хлорат магний шудринг тушмаган кезларда ғўза баргини самарали тўкишини алоҳида таъкидлаш лозим. У бошқа препаратларга қараганда ғўзага тез ва кучли таъсир кўрсатади. Унинг таъсирини икки кундан кейиноқ кўриш мумкин.

Хлорат-хлорид кальций ғўзага хлорат магнийга нисбатан юмшоқроқ таъсир этади. Ундан фойдаланилганда баргларнинг тўкилиши бирмунча суст, айниқса, суткалик ўртача ҳарорат 15—16 даража, нисбий намлик паст бўлганда секин кечади.

Бу йил ғўзани дефолиация қилишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Баҳорнинг серёғин келиши, анча майдонларга чигит қайта экилгани ва ёзнинг салқин бўлиши туфайли пайкалларда ниҳоллар текис ўсмади. Республикада биологик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланувчи кўплаб пахта навлари экилишини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Дефолиантлар билан ишлов вақтини хўжалик агрономлари ҳар бир даланинг ҳолати, ўсимликларнинг ривожига қараб белгилайдилар. Ғўзанинг биологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда олдиндан табақалаштирилган график тузиш фойдали. Ғўза биологик жиҳатдан етилган бўлиши шарт. Шу боисдан пайкалларга дефолиантлар билан ишлов бериш вақти кўсакларнинг қай даражада очилишига қараб белгиланади.

Дефолиацияни ғўзадаги кўсакларнинг 40—50 процанти очилганда ўтказиш мақсадга мувофиқ. Дефолиантлар ҳаммо навларга бир хилда таъсир кўрсатмайди. АН-402, АН-Ўзбекистон-3, Самарқанд-3 навларини тўла баргсизлантириш учун Тошкент-1 навига нисбатан 25—30 процент кам дори сарфланади. С-4880 нави ҳам дефолиацияга таъсирчан, шу туфайли унга дорилар 20—25 процент кам сарфланади. Ингичка толали пахтанинг Ашхобод-25, Термиз-14 навларига ҳам дефолиантлар яхши таъсир кўрсатади. Уларга С-6037 навига нисбатан 20—25 процент кам дори пуркалади.

Дефолиациянинг самарадорлигига тупроқдаги нам жуда катта таъсир кўрсатади. Ўсимлик баргсизлантирилаётганда намлик 60—70 процент атрофида бўлиши керак. Ғўза қайси зонада ўсаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур. Дефолиация қишлога ажратилган пайкалларда ётиб қолган ғўзалар бўлмаслиги, бегона ўтлардан тоза бўлиши шарт.

Шу йил июнь ойида Тошкент область Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхозда дефолиация бўйича республика семинари ўтказилганди. Бу ерда ғўзани баргсизлантиришдан ўн кун олдин тажриба участкалари танланади ва ана шу пайкалларда ишлов муддати, хлорат магний концентрацияси аниқланади. Ўтказилган тажрибалар кўсакларнинг 50 процанти очилганда препарат сепилса яхши самара беришини кўрсатмоқда.

Қандайдир сабабга кўра дефолиациядан сўнг 6—7 кун ўтгач барглар тўкилавермаса бошқа дори билан ишлов бериш лозим. Бунда дастлаб хлорат-хлорид кальций ишлатилган бўлса такрорий ишловда хлорат магний қўлланилади. Агар биринчи ишловда хлорат магний пуркалган бўлса, такрорий ишловда шу дорининг ўзи оширилган нормада қўлланилади.

Ривожланишдан орқада қолган, бироқ кўсаклар сони етарли бўлган ниҳолларни бирданига дефолиация қилиб бўлмайди. Уларни аввал десикация қилиш тавсия этилади.

Етилмаган кўсаклари кўп бўлган, бироқ ҳали ривожланаётган ниҳолларни барвақт десикация қилиш ҳосилдорликнинг пасайишига, ҳом ашё сифатининг бузилишига олиб келади. Десикациянинг кечиктирилиши эса яхши самара бермайди. Шу боисдан, десикацияни биринчи теримдан сўнг кўсакларнинг 60—65 процанти, жанубий районларда 70—75 процанти очилганда ўтказиш тавсия этилади.

Дефолиантларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан уларнинг дозасини тўғри танлашга боғлиқ. Айниқса, хлорат магний эҳтиёткорликни талаб қилади. Унинг миқдори мақбул нормадан ошириб юборилса, барг ва кўсакларни куйдириб юборади, камроқ бўлганда эса барглар тўкилмай қолади. Ўрта толали навларни дефолиация қилиш учун гектарига 8—12 килограмм дори сарфланиши керак. Ғўзасининг бўйи паст бўлган пайкалларнинг гектарига 8—9 килограмм кифоя. Мабодо ҳарорат 15—16 даражадан пасайиб кетса, препарат миқдори гектарига 2—3 килограмм кўпайтирилади.

Ингичка толали навларни баргсизлантириш учун гектарига 13—17 килограмм, десикация қилиш учун 30—32 килограмм хлорат магний сарфланади. Ўрта толали навларга гектарига 20—25 килограмм доривор пуркалади. Хлорат-хлорид кальций сарфи ўрта толали навлар учун гектарига 20—25, ингичка толали навлар учун 28—30 килограмм. Ингичка толали навларга пуркаладиган хлорат-магний билан бутилкаптакс аралашмаси ҳар бир доридан гектарига 5 килограммдан сарфланади.

Тошкент-1, Тошкент-6, 175-Ф, Оқолтин навларини дефолиация қилишда гектарига 8—12 килограмм, кеч экилган майдонларда эса гектарига 12—14 килограмм хлорат-магний сарфланиши норма ҳисобланади. Хлорат-хлорид кальций пуркалганда эса 20—25 килограмм, кеч экилган жойларда 25—28 килограмм дори сарфланади. С-4880 навига ишлов бериш учун гектарига 8—10 килограмм хлорат магний кифоя. 108-Ф навига 8—9 килограмм, кеч экилган жойларда эса 12—14 килограмм хлорат магний пуркалади. С-6037 нави кеч экилган пайкалларда гектарига 18 килограммгача хлорат магний қўлланиши мумкин.

Бу йил дефолиация асосан ер усти аппаратлари ёрдамида бажарилади. Трактор аппаратларида хлорат магний пуркаш учун аввало қуюқроқ эритма тайёрланади. Бунинг учун идишга 50 килограмм дори солинади ва 100 литр сув қуйилади. Бунда 50 процентли эритма ҳосил бўлади. Дори батамом эриши учун яхшилаб аралаштирилади. Хлорат магнийнинг ишчи эритмасини тайёрлаш учун препарат нормасидан икки ҳисса кўп қуюқ эритма олинади. Масалан, гектарига 8 килограмм дори сарфланадиган бўлса, қуюқ эритмадан 16 литр олиниши лозим.

Хлорат-хлорид кальций билан ишлов беришда дастлаввал қуюқроқ эритма тайёрлаш шарт эмас. Дориворни бевосита пуркагичнинг идишларига ағдариш мумкин. Бироқ бунда нормага қатъий риоя этиш лозим.

Бутилкаптакс билан хлорат магний аралашмаси бевосита ишлов бериш олдидан тайёрланади. Аввало озроқ сувга бутилкаптакс аралаштирилади. Шундан сўнг зарур миқдорда хлорат магнийнинг қуюқ эритмаси аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмага зарур миқдорда сув қуйилади.

Юқоридаги барча дориларнинг эритмаси яхшилаб аралаштирилиши, майда кўзли сим тўрдан ўтказилиши лозим.

Тайёрланган эритма ўша куни тўла ишлатилиши керак. Сегизбоев номли совхозда хлорат магнийдан самарали фойдаланиш учун уни марказлашган ҳолда тайёрлаш мақсадга мувофиқ топилди. Хўжаликнинг собиқ аэродромкда марказий пункт ташкил этилган. Бу ерда бассейнлар қурилиб, ҳар бирига иккитадан насос ўрнатилган. Уларнинг бири эритмани аралаштиради, иккинчиси ОВХ-14 бакига ёки махсус идишга ҳайдайди. Агар дала яқинроқ бўлса пуркагичлар шу ернинг ўзида тўлдирилади. Олислиги 10 километрдан зиёд далаларга эса суюқлик цистерналарда ташиб келтирилади. Манзилга етиб келгунча хлорат магний чўкиб қолиши мумкин. Уни аралаштириш учун трактор дудбуронига уланган махсус шлангдан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалик авиацияси ёрдамида дефолиация қилинганда эритмалар махсус майдончаларда тайёрланади. Идишларга зарур миқдорда дорилар солиниб, устига сув қуйилади ва яхшилаб аралаштирилади. Самолётларни эритма билан заправка қилиш олдидан гидронасос ёки гидромешалка ёрдамида 15—20 минут аралаштирилади.

Дорилар самолётдан пуркалганда ғўзанинг ҳолатига қараб гектарига 100—150 литр, ОВХ-28 аппарати қўлланилганда 100—150 литр, ОВХ-14 аппарати қўлланилганда эса 200—300 литр эритма сарфланади.

Пайкалардаги терим машиналари қайтадиган жойлар дефолиациядан 3—5 кун олдин десикация қилинади. Ўрта толали навлар учун гектарига 15 килограмм, ингичка толали навлар учун 17—18 килограмм хлорат магний сарфланади.

Ердан туриб пуркайдиган аппаратлар шамолнинг тезлиги секундига 4 метргача бўлганда, самолётлар эса фақат шамолсиз, кезларда ишлатилади. Тракторлар кўсакларни тўкиб юбормаслиги учун ғўза ўртача ривожланган жойларда иккинчи, ниҳоллар паст бўйли жойларда учинчи тезликда ҳаракатлантирилиши лозим. Тракторлар ҳимоя воситалари ва туп кўтаргичлар билан жиҳозланган, мавжуд кўрсатмаларга биноан тўғри ростланган бўлиши лозим.

Дефолиантлар билан ишлов беришни тонгда бошлаб ҳаво ҳарорати 30 даражага етгунга қадар давом эттириш лозим. Бу тахминан кундуз соат 11—12 ларга тўғри келади. Ишни кечқурун соат 17—18 лардан сўнг, ҳарорат пасайгач яна бошлаш керак. Ҳарорат 30 даражадан паст бўлган кезларда ишни кун бўйи амалга ошириш мумкин. Ер устидан туриб ишлов бериш группа усулида, агрономэнтомолог ва медицина ходимлари раҳбарлигида ўтказилиши, барча санитария-гигиена қоидаларига ҳамда заҳарли химикатлар билан ишлаш чоғида хавфсизлик техникасига қатъий риоя қилиниши шарт.

Тавсиялар Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети мутахассислари ва ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими олимлари томонидан тайёрланган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Насиба Рўзиева бошлиқ бригада коллективи ғўза парваришида юксак кўрсаткичга эришганлиги учун кейинги ўн кунлик натижаларига кўра Шахрисабз районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ленин номли колхозда социалистик мусобақа ғолиби деб топилди.

Бригаданинг мавжуд 74 гектар ердаги ғўзаси баравр ривожланмоқда. Пайкаллар юксак агротехника қоидалари асосида 6 марта комплекс ишловдан чиқарилди. Бу ишда айниқса, моҳир механизатор Мустафо Нормуродовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Ҳозир бу ерда ғўзага учинчи бор сув таралмоқда. Кечагина оби-ҳаётдан чиққан пайкаллар кун сайин яшнаб, экинларда ҳосил тугунчалари тобора кўпаймоқда. Ҳар туп ғўзада ҳозироқ 9—10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА ЗАРБДОР ИККИ ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Ҳосилга ҳосил қўшилмоқда

Депутат бошлиқ бригада меҳнатчилари ғўза чеканкасини ҳам сифатли ўтказишди. Пахтакорлар юбилей йилида гектарига 38 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олишган. Хўжаликда бундай илғор коллективлар кўп. Ҳусен Сандов, Тўра Поёнов, Алиқул Зокировлар бошлиқ бригадалар заршуносларининг ҳам ғўза парваришини намунали уюштириб, зарбдор икки ойлик пешқадамлари сафида боришяпти.

Пахтакорлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун 1280 гектар ернинг ҳар гектаридан 33,6 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Шу кунларда улар дала ишларини республика партия-хўжалик активи йиғилиши қатнашчилари Мурожаатномаси асосида ташкил этиб, ҳосилга ҳосил қўшмоқдалар. Айни пайтда йиғим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўришяпти. Мавжуд 20 та терим машинаси сифатли ремонтдан сўнг тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилди. Тош-торози, хирмон жойлари тахт.

М. КАРОМОВ.

Планлар бажариляпти-ю, эҳтиёж қондирилмаяпти

НАВОИЙ ОБЛАСТИДА КИТОБ САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛА ВА МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Ҳисоб-китобларга қараганда 80 мингга санаш учун ўртача икки кунлик вақт керак бўлар экан. 80 мингга яқин китобни ўқиб чиқиш учун-чи? Бунга қанча муддат зарурлигини айтиш қийин. Бу икки рақамни чоғиштираётганлигимизнинг сабаби шундаки, мамлакатимизда ҳар йили шунча миқдорда китоб нашр этилади. Уларнинг умумий тиражи 2 миллиардданзиёд.

Ана шу китоблар денгизидан ўқувчи қайси асарларни танлайди? Албатта бу биринчи навбатда одамнинг дунёқараши, маънавий эҳтиёжи билан боғлиқ. Шундай экан бу эҳтиёжни ҳисобга олиш, унинг тўла қондирилишини таъминлаш, фаол китобхонлик маданиятини шакллантириш савдо ходимларининг муҳим вазифаларидандир. Бу вазифалар Навоий областида қандай ҳал этиляпти?

Область матлубот жамияти правлениеси катта товаршуноси К. Нормуродова бунинг жуда оддий изоҳлаб берди.

— Ҳар бир магазинда тематик бўлимлар бор. Харидор истаган адабиётни улардан танлаб олаверади.

Ҳақиқатан ҳам область қишлоқ районларидаги 24 магазиннинг ҳар бирида муайян тематик бўлимлар бор. Лекин улар китобхонларнинг маънавий эҳтиёжларини таъминлашга эмас, балки улар.га қизиқтираётган соҳа бўйича асарларни тезроқ топишгагина кўмак беради. Қайси китоб қизиқарли, китобхон ундан қандай завқ, маънавий наф, зарур билим олади? Асосий эътибор шунга қаратилиши керак. Бироқ бу жиҳатларга навоийлик савдо ходимлари етарли эътибор бермай келишяпти. Биронта магазинда янги асарлар мунтазам тарғиб қилинмайди. Муайян темага доир китоблар кўргазмаси ташкил этилмайди. Китобсеварлар жамияти билан мустаҳкам амалий алоқа йўлга қўйилмаган. Яна бир ачинарли томони область, район матлубот жамиятлари келгуси йилларга буюртма беришаётганларида аҳоли эҳтиёжини қарийб ҳисобга олишмайди.

Масалан, кейинги пайтда оммавий-сиёсий, публицистик асарларга қизиқиш кескин кучайди. Бу область матлубот жамиятининг буюртмаларида қандай ўз аксини топди? Ҳеч қандай. 1987 йил учун республика китоб базасига атиги минг сўмдан зиёдроқ ўзбекча оммабоп адабиётга буюртма берилди. Агар область матлубот жамияти 420 минг кишига хизмат кўрсатишини ҳисобга олсак, унинг нечоғлик камлиги яққол кўзга ташланади. Техника адабиётларига буюртма бор-йўғи 500 сўмни, қишлоқ хўжалиги, медицина, санъат соҳаларига оид китоблар ҳам жуда камчиликни ташкил этяпти.

Бунинг сабаби нимада? Таҳлиллар шуни кўрсатдики, область матлубот жамияти буюртма бераётганда аҳолининг қизиқишини эмас, энг аввало ўтган йилги эришилган кўрсаткични ҳисобга олади. Яна бир ташвишланарли томони, бу муҳим вазифани товаршунос ва раҳбарлар ўз кабинетларида ўтириб ҳал қилишга кўникиб кетишган. Шу боис ҳам катта товаршуснинг жавоби гоят оддий, реал ҳаётдан жуда орқада.

Бундай хулосамиздан савдо ходимлари хафа бўлишлари турган гап. Чунки улар зиммаларига юклатилган топшириқларни ҳамиша ошириб бажариб келишяпти. Бунинг устига ўсиш суръатлари ҳам чакки эмас. Мисол учун бу йил ўтган йилги планга нисбатан 18 процент кўп, яъни 840 минг сўмлик китоб савдоси хизмати кўрсатилади. Шундай бўлгач, уларни қандай қилиб танқид қилиш мумкин?

Келинг, юқорида келтирилган 840 минг сўм рақамига бошқа жиҳатдан ёндашиб кўрайлик. Бу аҳоли жон бошига қанчадан тушади? Атиги 2 сўмдан. Қизилтепа, Хатирчи районларида — 0,30 сўмни, Навбаҳорда — 1,27 сўмни, Учқудуқда — 1,29 сўмни ташкил қилади. Энг юқори кўрсаткич Янгиработ шаҳрида — 12,36 сўм. Кўриниб турибдики, планларнинг бажарилиши билан мақтанишнинг ҳожати йўқ. Масалан, Украина ССРнинг Винница областида аҳоли жон бошига сотилаётган китоблар 28 сўмдан зиёдни ташкил этади.

Областда китоб магазинлари қуриш, жойлардаги савдо нуқталарида бўлимлар ташкил этишга ҳам эътиборсизлик билан қараляпти. Аҳоли зич жойлашган Хатирчи, Қизилтепа районларида ҳозирги пайтда битта.дан китоб магазини ишлаб турибди. Учқудуқ районида бўлса умуман йўқ. Кенг шохобчали қишлоқ магазинларида айни кунда китоб билан савдо қилувчи 34 тагина бўлим бор. Бирон бир соҳага ихтисослаштирилган магазинлар қурилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаяпти.

Яна бир савол. Обуна йўли билан сотиладиган нашрларни кимлар ояпти? Аввалари бу масала билан асосан область матлубот жамияти правлениеси шуғулланар эди. Китобхонлар қайси асарларга обуна бўлиш мумкинлигини билмай ҳам қолишарди. Чунки уларни ўша идорининг ўзида имижимида бўлиб юборишарди. Ҳозир бу юмуш билан район партия комитетлари ёки китобсеварлар жамияти шуғулланишяпти. Айтиш мумкинки яна ўша аҳвол такрорланмоқда. Биз Конимех районида ўтган йили обуна нашрлари қандай тарқатилганлиги билан қизиқиб кўрдик. Районга келган нашрларнинг аксарияти райком секретарлари, ходимлари ва идораларнинг раҳбарлари ўртасида тақсимланибди. Бошқа районларда ҳам аҳвол яхши эмас. Бу йилги обуна нашрлари кимларга берилганини кўп савдо ходимлари ҳозиргача билишмайди. Шу нуқтаи назардан бу соҳада Навоий шаҳрида амалга оширилаётган тадбирлар диққатга моликдир. Шаҳарда обуна нашрлари учун китобхонлар ўртасида лоторея ўйналади. Ким ютса нодир нашр ўшаники. Бунинг қишлоқларда жорий этиш вақти келди. Навоийликлар китоб мутолаа қилишни севишади. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги ўзлари севган, қизиққан адабиётларни топиша олмай овора. Бунинг устига магазинлардаги мавжуд яхши асарлардан ҳам бехабар қолишяпти. Демак, область савдо ходимлари хизмат маданиятини кескин яхшилашлари, китобларни тарғиб ва ташвиқ қилишни тубдан яхшилашлари керак. Чунки ҳозирги даврда эскича ишлаш билан китобхонлар ҳурматини қозониб бўлмайди.

А. ҚОРЖОВОВ.

● *«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан*

«Сир очар суҳбат»

Газетанинг шу йил 22 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақолада Чортоқ шаҳар «Водопровод»ни бошқармасида кадрларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганликлари ва бошқа камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда қайд этилишича, танқидий мақола область Совети ижроия комитетида «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси раҳбарлари билан биргаликда кўриб чиқилди.

Мақолада баён этилган фактлар асосан тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам Чортоқ шаҳар «Водопровод»ни бошқармаси бошлиғи У. Йўлдошев ходимларга нисбатан кўпол муомалада бўлган. Натижада кадрлар қўнимсизлиги ва коллективда носоғлом шароит вужудга келган.

«Водоканал» бошқармаси ўз бўлимларни ишлари устидан назоратни бўшаштириб юборган. «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармаси техника совети қарори билан ишда камчиликларга йўл қўйганлиги учун бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш. Акбаровга ҳайфсан берилди.

Бошқармага мақола юзасидан ўтказилган текшириш натижаларини барча бўлимларга етказиш топширилди.

РЕДАКЦИЯДАН:

Мазкур расмий жавобда У. Йўлдошев касаллиги хабар қилиниб, соғайиб чиққач, унга нисбатан кўрилган чора тўғрисида редакцияга қўшимча маълум қилинажаги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Редакция Наманган область Совети ижроия комитетидан бу ҳақда аниқ жавоб кутади.

* * *

Шунингдек, газетанинг шу йил 29 май сонида босилган «ЧАНГДА ҚОЛГАН КУМУШ ТОЛАЛАР» сарлавҳали мақола юзасидан ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИдан ҳам расмий жавоб олинди. Унда қайд этилишича, республика пилла-кашлик корхоналарида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

1988—1989 йилларда Гулистон шаҳрида ва Андижон областининг Булоқбоши посёлкасида янги пиллакашлик фабрикалари қуриш мўлжалланмоқда. 1989 йилда эса Самарқанд «Ҳужум» фабрикасини реконструкция қилиш кўзда тутиляпти.

Министрлик пилла ҳом ашёсини қайта ишлашни кўпайтириш ва унинг бузилишини олдини олиш мақсадида пилла-кашлик фабрикаларини уч бригадали икки сменали иш режимига ўтказмоқда. Бу бир йилда 1600 тонна пиллани қайта ишлаш имконини беради.

«Занглаган ускуналар»

Газетанинг шу йил 9 июнь сонида босилган танқидий мақолада Денов шаҳридаги корхона ҳамда ташкилотларда талайгина ортиқча машина ва ускуналар тўпланиб қолганлиги кўрсатиб ўтилган эди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИдан олинган расмий жавобда шундай дейилади:

— Текширишда мақолада баён этилган фактлар тасдиқланди. Текшириш якунлари Денов шаҳар партия комитетида барча корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Уларга ишлаб чиқаришни ускуналар билан қуроллантириш бўйича аниқ ташкилий-техник тадбирлар кўриш топширилди.

1985 йилда вино-арақ ишлаб чиқариш қисқариши муносабати билан Денов виноарақ заводини реконструкция қилиш тўхтатилган ва уни алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришга ўтказиш мақсадида қайта лойиҳалашга ўтилган. Лойиҳалаш республика Давлат агросаноат комитети назоратида турибди.

Ёғ-экстракция, сут заводларида, пахта фабрикасида ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш планига кўра учинчи квартал мобайнида 14-қурилиш ташкилоти томонидан ускуналар ўрнатилади.

Денов шаҳар партия комитетига белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш топширилди.

* * *

Шунингдек, газетанинг шу йил 13 июнь сонида босилган «Ишга солинмаган резервлар» сарлавҳали мақола юзасидан Сурхондарё область агросаноат комитетидан ҳам расмий жавоб олинди. Унда таъкидланишича, мақолада баён этилган фактлар тўғри, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриляпти.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

БМТнинг қуролсизланиш — ривожланиш конференциясида

НЬЮ-ЙОРК, 25 август. ТАСС мухбирлари Вячеслав Чернишев ва Сергей Байбаков хабар берадилар: Қуролсизланиш ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам, ривожланган мамлакатлар учун ҳам ҳаётий заруратдир. Душанба куни қуролсизланиш билан ривожланиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликка бағишланган биринчи халқаро конференцияни оча туриб, БМТ Бош секретари Хавьер Перес де Куэльяр шуни таъкидлади.

Ядро хавфи шарпасини сезиб яшаётган инсоният хавфсизликни бундан буён фақат ҳарбий жиҳатдангина идрок этиш мумкин эмаслигини англади, деб таъкидлади Х. Перес де Куэльяр. Биз қуролсизланиш тўғрисида гапирар эканмиз, қуроллароғлар даражасининг мутасил қисқартириб борилиши шароитида барча учун хавфсизликни таъминлашга олиб келишга қодир бўлган, томонларнинг розилиги билан келишиб олинган ва текшириб туриш мумкин бўлган тадбирлар мажмуасини ўз ичига оладиган жараённи назарда тутяпмиз.

Шу муносабат билан, деди БМТ Бош секретари, қуролсизланиш масалаларининг турли анжуманларда, жумладан, қуролсизланиш бўйича конференцияда актив муҳокама қилинишидан қониқиш ҳосил қилдик. Ўртача олислик ядро қуролини йўқ қилиб ташлаш юзасидан СССР билан АҚШ ўртасида олиб борилаётган музокаралар алоҳида умид бахш этади. Х. Перес де Куэльяр бу музокаларнинг яқин орада муваффақиятли якунланиши муҳимлигини таъкидлади.

Ҳиндистоннинг ташқи ишлар давлат министри Натвар Сингх конференция раиси қилиб сайланди. Қуролланиш пойгаси, айниқса ядровий қуролланиш пойгаси инсониятнинг мавжудлигига хавф солиб турибди, — деди у ўз нутқида.

Конференцияда умумий мунозара бошланди. Канада ташқи ишлар министри Чарльз Жозеф Кларк қурол-яроғлар устидан назорат ўрнатиш муштарак вазифа эканлигини уқтирди.

Мексика ташқи ишлар министри Бернардо Сепульведа Аморнинг фикрича, инсоният учун ҳозир ядро қуролидан ҳоли бўлган келажакни таъминлашдан кўра муҳимроқ иш йўқ.

ГДР: Карл-Маркс-Штадтдаги заводда «Эрика-6006» янги электрон ёзув машинкасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Суратда: йиғув цехининг механиги Мартина Троне иш устида.

АДН—ТАСС фотоси.

Савдо муносабатларининг муҳим йўналиши

ПЕКИН. (ТАСС). Чегара савдо-сотиғини бутун чоралар билан ривожлантириш Хитой — Совет икки томонлама савдо муносабатларини кенгайтиришнинг муҳим йўналишидир, деб ёзади Хитойда чиқадиган «Бэйцзин ревью» ҳафталик журнали. ХХРнинг Хэйлунцзян, Синьцзян — Уйғур автоном районлари билан Совет Иттифоқининг уларга чегарадош районлари ўртасида бу йил ўзаро манфаатли савдонинг айниқса тез ўсганлиги қайд этилди.

Хитой мутахассисларининг фикрича, шу йилнинг охирига бориб Хэйлунцзян вилояти билан СССР ўртасидаги экспорт-импорт операцияларининг умумий ҳажми 50 миллион Швейцария франки (33 миллион доллар)га етади. Бунинг устига, деб таъкидлайди журнал, келгуси йилда ана шу кўрсаткич янада кўпроқ ўсиши керак.

ХХР билан СССР вакиллари Хэйлунцзянда сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган марказ барпо этиш режаларини муҳокама қилдилар. Бу марказ қурилишини Совет томони маблағ билан таъминлайди. Марказ учун зарур ускуналар СССРдан келтирилиши лозим, бу ерда етиштириладиган витаминли маҳсулот эса Сибирга экспорт қилинади. Томонлар Хэйлунцзянда қўшма ресторанлар ва магазинлар очиш хусусида музокаралар олиб бордилар.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ВАШИНГТОН. Янги Орлеонда «СССР: инсон, ойла, жамият» совет кўчма кўргазмаси очилди. Америкаликларни совет кишиларининг турмуши билан таништирадиган 1600 дан кўпроқ экспонат кўргазмага қўйилган. Улар орасида совет шаҳарлари уй-жой кварталларининг фото суратлари, макетлари, китоблар, болалар чизган суратлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, космик станцияларнинг моделлари, мўйналар бор. Янги Орлеанда кўргазма 25 августдан 15 сентябргача ишлайди, сўнгра Атлантага олиб борилади. Мефис, Цинциннати, Вашингтон, Канзас-Сити аҳолиси ҳам экспозиция билан таниша олади, кўргазма келгуси йилнинг 15 майида Канзас-Ситида ёпилади.

НЬЮ-ЙОРК. Пентагон **«самовий урушлар» программасига мувофиқ, кузги эксперименталларнинг тиғиз графиғини тузиб чиқди.** «Авиейшн уик энд спейсж технология» журнали шуни маълум қилди. Жумладан, октябрга қадар космик электромагнит тўпнинг кичрайтирилган моделини стендда синаб кўриш кўзда тутилган. Бу синовдан мақсад ана шу қурилмадан отилган «снаряд»лар ўта юқори тезликда учишига эришишдан иборат. Ноябрь ойида эса космосда «юксак кучланишли электр занжирини» синаб кўриш учун махсус «ракета — зонд» учирилади. Журналнинг таъкидлашича, бу ҳарбий космик эксперимент электромагнит тўплар, энг янги радиолокация системалари ҳамда Америка ҳарбий маҳкамаси «стратегик мудофаа ташаббуси»га оид ишларни жадаллаштиришдан умид қилаётган бошқа «экзотик» қуролларни амалда яратиш йўлидаги дастлабки қадам бўлиши керак.

МАНИЛА. Филиппинда бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари нархини ўртача 20 процент ошириш ҳақида ҳукумат қабул қилган қарорга қарши норозилик кампанияси авж олиб бормоқда. Манила, Себу, Давао ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида юз минглаб ишчи ва хизматчилар иш ташладилар.

Президент Корасон Акино ҳукуматнинг шошилинч мажлисини чақирди, унда юз берган аҳволдан қутилиш йўллари муҳокама қилинди. Президентнинг матбуот бўйича секретари Теодоро Бенигно нарх-навони ошириш тўғрисидаги қарор қайта кўриб чиқилмаслигини айтди. Бироқ у ҳукумат ихтиёрида бошқа чоралар борлигини, масалан, кундалик зарур товарлар нархини оширмаслик ҳамда иш ҳақининг энг кам миқдорини кўпайтириш чоралари мавжудлигини маълум қилди.

(ТАСС).

• *СССР Халқ артисти Лутфихон ая Саримсоқова ҳузурида*

МЕН ОКТЯБРЬ ФАРЗАНДИМАН

Лутфихон ая уйидаги ёдгорликлар фақатгина ая альбом, фотосурат, турли босиб ўтган йўл ҳақида даврларга оид ҳужжат ва эмас, балки бугунги ўзбек аёлининг шонли йўли ҳақида, унинг кураш ва ўйлари, орзу умидлари, шу кунгача босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилади. Ая мана бу воқеани илиқ хотирлайди:

— Қиз узатиб боргандик ўшанда. Одамлар аллақачон тўйхонани тарк этишган, тун ўз ҳукмини ўтказмоқда эди. Ўчоқда кул босган чўғлар милтиллар, самовардан эса тутун ҳамон ўрмалар эди. Машшоқлар ўтирган сўрида паранжиси елкага тушган бир аёл ёр-ёр бошлади. Мен бир чеккада ўтириб воқеани кузатиб турибман.

Остонаси тиллодан,
Бўлган уйга ёронлар
Армони йўқ қизгина
Келин бўлди ёр-ёр...

Шу аснода сўзлари юракларни пора-пора қилувчи ёр-ёр давом этди. Уйқуга кетган одамлар уйғонишди, уларнинг вужуди қулоққа айланди. Дилига армон тугун солмаган қизгинани топишнинг ўзи амри маҳол эди ўша маҳалларда. Кўшиқ куйлай биладиган ўз санъатини фақатгина тўй, мавсум маросимлардагина намойиш эта оларди. Саҳна қаёқда дейсиз?!

Бахтимизга Октябрь қуёши нур тарата бошлади. Октябрь зиёсидан бахраманд бўлган аёллар биринкетин паранжи ташлаб нурга, ёруғ келажакка томон интила бошладилар. Октябрь зиёси, асрлар давомида уй чўриси ҳисобланган ўзбек аёлларининг қалбини нурафшон этди.

1926 йил, кўклам фасли. Ая буни ҳаяжон билан эслайди. Лутфихонимнинг дастлабки чиқишлариданоқ унинг жуда камдан-кам одамларга насиб этадиган ноёб истеъдод эгаси эканлиги намоён бўлди. Буни кўрган устоз Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий нурли келажак сари интилаётган кўплаб хотин-қизлар қаторида унга ҳам ёрдам қўлини чўзди.

— Синглим, саҳнамиз сендай хушвоз хонандаларга муҳтож. Сени театрга олмоқчимиз, шунга нима дейсан? — деди бир куни концертдан сўнг Ҳамза Ҳакимзода Лутфихонимга меҳрибонлик билан.

Ёш қиз бу таклифга дабдурустдан жавоб беролмай қолди. Узоқ ўйлаб, бир қарорга келолмагач, устозга бир тикилди-ю, сўнг яна ерга боқди.

— Гап-сўзга қоламан-да... Унда журъат етишмасди. Устоз далда берди.

Эртаси кундан бошлаб Лутфихоним Қўқон театрида ишлай бошлади. Ўша пайтлардаги театр директори марҳум Миршоҳид Мироқилов коллективнинг янги аъзосини самимий қарши олди. Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Гавҳархонимлар билан таништирди. Ижодий жараён бошланиб кетди. Унинг Қўқон театри саҳнасида дастлабки ижро этган роли Узеир Ҳожибековнинг «Аршин-мол-олон» музикали драмасидаги Зебо роли бўлди. Ёш артист биринчи имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Лутфихонимнинг тинмай изланиши, ўз устида муттасил иш олиб бориши ундаги масъулият ҳиссини тобора ошириб борди.

«Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Маҳаллада дув-дув гап» фильми ҳаётий эпизодларга бойлиги билан ажралиб туради. Бироқ ҳар қандай сюжет, ҳар қандай бадиий юксак асар актёр маҳорати билан ёрқинроқ очилади, таъсир кучи ошади. «Меҳри хола юқоридаги айвонда аччиқ-аччиқ чой ичиб ўтирибди. Келини хизматда. Кўча-кўйдан ўтаётганлар унга ҳавас билан боқиб, завқланишади. Бахтли, камсуқум аёлга қайта-қайта таъзим қилишиб, уни қутлашади».

Назаримизда, ая бутун ҳаётини ана шундай завқланиб ўтказгандай. Бироқ бу хушчақчақ образнинг тагида ижро, илҳом ва яратиш изтироби ётибди. Жамоатчилик бу фильмга катта баҳо берганлигини ана шу изтироб ва дарднинг меваси сифатида қараш лозим.

Лутфихоним саҳна устаси, деган шарафли номни эгаллаш билан бир қаторда юзлаб ёшларни санъат қучоғига олиб кирди. Уларга ўз тажрибаларини ўргатган меҳрибон устоз хамдир. Турсунхон Жаъфарова, Сурмахон Алиева, Меҳрихон Абдуллаева, Мукаррама Азизова, Эътибор Қўзибоевалар аянинг шогирдларидир.

Меҳрли аямиз халққа хизмат қилишни жонидан севгани учун ҳам 1948—1958 йиллар давомида Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. 1958 йили Фарғонадаги Ҳамза номли колхоз ишчилари Л. Саримсоқовани Дзержинский сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайлашди. Лутфихон ая бу йиллар мобайнида меҳнаткашлар наказларини ўз вақтида адо этиб, уларнинг ишончини оқлади. Йирик ўзбек санъаткорлари қаторида табаррук аямиз республикамиз саҳна санъатини Иттифоққа танитишга муносиб ҳиссасини қўшди.

Эл ардоғида бўлган аянинг меҳнати, самарали изланишлари ҳамма вақт юқори баҳоланиб, ўз вақтида тақдирлаб борилди. Совет театр ва кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ая СССР халқ артисти деган юксак номга сазовор бўлди, Ватанимизнинг қатор орден ва медаллари билан мукофотланди. Аянинг меҳр ва қунт билан, истеъдоди ва меҳнати билан яратган образлари бугунги кунда халқ мулкига, бадиий хазинамиз бойлигига айланди. Бу жуда боқий, шуҳратли умр.

Ая санъатни жуда чуқур тушунади, одамларнинг бир-бирлари билан мулоқотларини ҳам санъат деб билади. Улар бир-бирларини қадрлашларини, эъзозлашларини, бир-бирларини тушуниб яшашларини истайди.

— Бир-бирини тушунмай дилга ғашлик соладиган ёш оилалар бор. Истардимки, дунёда ширин муомала, мулоқот ҳамиша барҳаёт бўлсин. «Сиз» ҳам, «сен» ҳам бир оғиздан чиқади. Шунинг учун бир-бирингизга яхши гап айтишга интилиб яшанг. Умр ўтиб боряпти. Одамлар билан, уларнинг орзу-умидлари билан бирга бўлинг. Қилинмаган, ҳали амалга ошмаган режаларни рўёбга чиқариш учун шижоатли меҳнат ҳамроҳингиз бўлсин, — дейди ая.

Мамлакат миқёсида Ўзбекистон тилга олинганда кишининг кўз ўнгида «оқ олтин» хирмонлари гавдаланади. Ана шу хирмон республикамиз фахрига айланган пахта, бобо-деҳқонларимизнинг зафарли меҳнатлари туфайли вужудга келади. Меҳнат эса, ҳамиша санъат ва қўшиқ билан қувончли, енгил кўчади. Ая тимсолида биз меҳнат ва қўшиқнинг ижод ва яшнатишнинг буюк тимсолини кўрамиз.

— Бир неча кунлардан сўнг республикамизда яна ҳам ҳаяжонли кунлар бошланади, — дейди ая. — Пахта йиғим-теримига киришилади. Ана шу дамларда ҳамманинг нигоҳи пахта терими ҳақидаги маълумотларга, диққати эса радиога қаратилади. Мен мана шу масъулиятли дамларда бободеҳқонимиз билан ҳамнафас, ҳамдард, ҳамфикр бўлгим келади. Ўз санъатим билан улар машаққатига шерик бўлгим келади, галаба тўйларида хизмат қилгим келади.

Аянинг уйлари бир зум одамларсиз қолмайди. Шогирдлар, мухлислар, узоқ-яқин шаҳарлардан ҳамкасблар ширин калом, жонли тарих Лутфихон ая ҳузурига шошилишади. Аср ёшига интилаётган ая етмиш йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган жамиятимиз, дунёга маълум ва машҳур санъатимизнинг беқиёс вакиласи, ҳур бахтиёр ўзбек аёлининг ёрқин тимсолидир. Умрингиз узун бўлсин, АЯ!

Ш. ЭРГАШЕВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҲИСОБЛАШ МАРКАЗЛИ КИБЕРНЕТИКА ИНСТИТУТИ вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

илмий ходим: «САПР конструкциялар» лабораторияси.

Конкурс муддати —7 сентябргача.

Адрес: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 34-уй. Телефон 62-57-37.

●

МУАССАСА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг

СТЕНОГРАФИЯ ВА МАШИНКАДА ЁЗИШ РЕСПУБЛИКА КУРСЛАРИ

республикада замонавий иш юритиш асосларини эгаллаган секретарь-стенографистка ва секретарь-машинистка ихтисосидаги кадрларга ўсиб бораётган катта эҳтиёжни ҳисобга олиб шартномалар асосида муассаса ва корхоналар томонидан юборилаётган ходимларни эркин равишда шошилинч таълим курсларига қабул қилади ҳамда ўқиш билан ишни бирга мувофиқлаштириб олиб боришни таъминлайди.

ЎҚУВЧИЛАРНИ КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЙИЛДА ИККИ МАРТА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

Июль — августда, машғулотлар — 1 сентябрда бошланади;

декабрь — январда, машғулотлар — 1 февралда бошланади.

Справкалар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй. Бешёғоч, Ленин комсомоли номидаги Марказий маданият ва истироҳат боғи билан ёнма-ён жойлашган. Қабул ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача. Телефон 45-62-52.

●

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

«УЗАГРОПРОМСПЕЦМОНТАЖ» республика ишлаб чиқариш қурилиш-монтаж бирлашмасининг

СЕРГЕЛИДАГИ МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА МАХСУС МОНТАЖ ИШЛАРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЗАВОДИ

ТУГАТИЛДИ

Даъволар 20 сентябргача қабул қилинади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти қуйидаги китобларни нашр этди:

Авторлар коллективи. Комсомол турмуши. 64 бет. Баҳоси 10 тийин.

Тўпламда янгича ишлаш масъулияти, давр тақозоси, шижоатимиз — жадаллаштиришга, ҳам суръат, ҳам сифат, тарбиянинг самарадор усули, инсон зийнати, хотира вахтаси ва оталиқ ёрдами каби мавзуларни ўқийсиз.

Амирқул Пўлкан. Оҳанг. Шеърлар. 48 бет. Баҳоси 20 тийин.

Тўпламдаги шеърларда ўтмиш ҳаёти ва ҳозирги замон фаровон ҳаёт ҳақида ёзилган шеърлар билан танишасиз.

Охунжон Ҳакимов. Хотира. Ҳужжатли ҳикоялар. 112 бет. Баҳоси 15 тийин.

Тўпламда ғитлерчи галаларни Ватанимиз тупроғидан улоқтириб ташлаш ва унинг ўз уясида янчиб ташлашда қаҳрамонлик кўрсатган фарғоналик солдат ва офицерлар ҳақида ҳикоя қилади.

Авторлар коллективи. Учрашув. Ёш шоирлар шеърлари. 96 бет. Баҳоси 35 тийин (рус тилида).

Тўпламга Ўзбекистон ёш шоирларининг шеърлари жамланган. Уларда она-Ватан, шонли меҳнат, табиат, севги куйланади.

Султон Жаббор. Қуёш ўзи меҳрибон. Шеърлар ва баллада. 80 бет. Баҳоси 20 тийин.

Китобдан шоирнинг кейинги йилларда ёзган турли мавзудаги шеърлари жой олган. Ундаги «Болаликни куйлар бир қушча» балладасида Саманта ёд этилади, дўстлик ва тинчлик улуғланиб, ҳаёт қадр-қиммати эҳтирос билан куйланади.

Авторлар коллективи. Шахмат новеллалари. 114 бет. Баҳоси 40 тийин.

Тўпламга Стефан Цвейг, Евгений Загорянский ва бошқа муаллифларнинг шахмат ҳақидаги новелла ва ҳикоялари, шуниндгек мароқли ривоят, латифа ва ҳангомалар киритилган.

• *Спорт*

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

● ГИМНАСТИКА. Тбилисида СССР кубоги ва мамлакат чемпионлиги учун бадиий гимнастика бўйича мусобақалар бўлди. Тошкентлик Е. Холодова предметсиз машқ бажаришда биринчи бўлди. Унинг командадоши М. Николаева арғамчи билан машқ бажариб иккинчи ўринни эгаллади.

• *Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлайлик*

ТУҲМАТ БЎЛМАСИН

Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидаги қонунга хилоф ишларга қарши курашайлик

Суд ҳукмини эшитаётганимда юрагим санчиб, кучқувват, мадор вужудимни тарк эта бошлади. Наҳотки енгилдим?! Виждонини, диёнатни инсонийликни, ҳақиқатни унутган кимсалар, наҳотки, ғолиб чиқишди? Судья нега улар тўқиган бўҳтонни қайта ва қайта таъкидламоқда?! Нега?!

Қораловчи курсисида ўтирган Анорбой Ўроловнинг чеҳрасида мамнунлик. Балки бу ғолиблик, масрурлик аломатидир?

«Турдиев Неъмат ички ишлар бўлимида сиёсий ишлар бўйича ўринбосар бўлиб ишлаш даврида 1981 йил январь ойнинг ўрталарида Пардаев Амир ишлайдиган магазинга кириб 20 шиша ҳар бири 6 сўм 40 тийинлик ароқ, 2 сўм 11 тийинлик вино, 4 дона ҳар бири 6 сўм 80 тийинлик коньяк, 4 сўм 04 тийинлик 2 та эркаклар шляпаси, 16 сўм 16 тийинлик 2 та аёллар кўйлаги ва юз сўм нақд пулни олиб кетган. Турдиев Неъмат ўша ойда Пардаев Амирнинг ўғли савдо қилаётганида магазиндан 83 сўм 83 тийинлик спорт костюмини бепул олиб кетган, Бундан ташқари, 1982 йил 21 февралда Пардаев Амир товарларни ошиқча нарх билан сотаётганида милиция ходимлари томонидан ушланган ва Турдиев Неъмат Пардаевнинг уйига бориб 5000 сўм пора олган...»

Бу рақамлар, сўзлар терговда, судда шу қадар кўп қайтарилдики, ухласам тушимда улар билан олишиб чиқадиган бўлдим. Самарқанд область суди аъзоси Самат Сафоев раислигида ўтган суд менинг асосларимни назарга илмади. Сўзларимга қулоқ тутишмади. Ўзларини қонун ҳимоячилари деб юрган кишилар одил қонунларимизни қўпол равишда бузишди.

«...Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 152-моддаси 2-қисми билан тўққиз йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Жазо кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтилади, Турдиевга тегишли мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилинади...»

С. Сафоев дона-дона қилиб ўқиган бу сўзлар бағримни ўқдай тилкалади.

Бир куни узоқ қариндошимиз вафот этиб, уй-жойи қолди. Ўғай отам ва амакиларим мерос талашишди. Мен қўшилмадим. «Сени ўқитиб одам қилдим, ёрдам бермадинг, энди ўзим сени ҳароб қиламан», — деди ўғай отам. Шу кундан бошлаб у менга қарши бўлди. Қишлоқда қандай хунук гап бўлса, менга боғлашди. Бировнинг машинаси ёниб кетса ҳам «Замполит ёндирди» дея хат ёза бошлади. Район партия комитети текширди, тасдиқланмади. Лекин ўғай отам уюштираётган фитна авж олиб бораверди. Бу эса мен йиғилишда (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми якунига бағишлаб ўтказилган йиғилишда) қаттиқ танқид остига олган район прокурори А. Ўроловга қўл келди.

1984 йил октябрда райкомга ёзилган хат асосида у жиноий иш қўзғади. 17992 номерли жиноий ишнинг 1-том, 3-бетида шундай кўрсатма бор:

«Мен Пардаев Исмоил бераман ушбу аризани шул ҳақдаким менинг отам Пардаев Амир 1982 йил апрель ойларида бозорда милиция ходимлари қўлига тушди, ушланди. Ўша куни кечқурун уйимизга Турдиев Неъмат келиб: «5000 сўм берсанг, қутқараман», — деди. Оғайниларимиз Ҳамроев Саттор, Пардаев Саидлардан унча-мунча пул олдик. Шу йили отам қамалиб кетди. Турдиевда ҳозир 700 сўм пул қолган. Шуни ундириб беришларингизни илтимос қиламан».

Энди 3-томнинг 125—134 саҳифаларида И. Пардаев томонидан ёзилган мана бу жумлаларни ўқинг.

«Аслида мен бу аризани М. Йўлдошев, Э. Қаршиев, Ҳ. Насановларнинг алдаши ва мажбурлаши натижасида Турдиевга нисбатан тухмат уюштириш мақсадида ёзишга мажбур бўлдим... Ҳозирги кунда Пайариқ район прокуратураси терговчиси отамга, онам Пардаева Омонга, катта отам Пардаев Синдор, акам Ҳамроев Сатторга тинчлик бермасдан, Турдиевга нисбатан ёлғон 5 минг сўм бердик деб кўрсатма беришга мажбур қилмоқда... Имзо. 1985 йил 5 июль».

И. Пардаев 1986 йил 4 июлда эса бу хусусда шундай дейди (Суд протоколидан кўчирма келтираман):

«Мен биринчи аризамни прокурор Ўроловга бериб маслаҳатлашиб 3 октябрь 1984 йилда ўз хонасида ёздим. Бир қанча вақт ўтгандан кейин терговчи Мўминов келиб, менинг устимдан Турдиев ёзибди, агар бошқатдан тергов бермасанглар сизларга қийин бўлади, қамалиб кетасизлар, деди. Кейин бизлар кўргазмамизни қўрқанимиздан ўзгартирдик».

Масала сал ойдинлашиши учун олдинроққа қайтмоқчиман. Бир куни ички ишлар бўлимида прокурор ёрдамчиси Искандар Файзиев пайдо бўлди. «Замполитни эртага партиядан ўчираман, депутатликдан чиқариб, қамоқка оламан», — деган сўзларини эшитиб қолдим. Ўша лаҳзада ёқасидан олмоқчи эдим-у, лекин бунга қуч тополмадим. Ўзим тарбиячи бўлиб, қандай интизомни бузай! Хуллас, Файзиев мени тергов қила бошлади. У ҳам, прокурор ҳам бўхтон, тухматни ёқлашарди. Мен норозилик билдирдим. Терговни Пайариқ район прокуратурасига ўтказишди. 1984 йил 28 декабрда қўлимга мана бу қоғозни тутқазишди.

«Иштихон район прокуратураси томонидан капитан Турдиев Неъматхонга нисбатан Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 152-моддаси 2-қисми билан қўзғатилган иш тергов ҳаракатлари ўтказилганидан кейин Ўзбекистон ССР Жиноят Процессуал Кодексининг 5-моддаси 2-қисми билан 1984 йил 25 декабрда тўхатилди.

Пайариқ район прокурори, юстиция кичик маслаҳатчиси И. Султонов».

Худди шундай хат 13/63-П-84 номери билан область ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ж. Аъзамов номига ҳам юборилган.

Мен ҳақиқат тантана қилганидан шод эдим. Янги йилни болаларим даврасида хурамлик билан ўтказдик. Бироқ қувончимиз узоққа чўзилмади. Яна қайтадан иш қўзғатилди. Кимнинг ҳаракати туфайли бундай бўлганини англаб олиш қийин эмас эди. Юқоридаги модда билан иш бекор қилинса, яъни «жиноят ҳаракати йўқлиги» туфайли иш тўхатилса, А. Ўролов ва яна бошқалар жазосиз қолишмас эди.

Менинг изтиробли кунларим яна бошланди. Пайариқ район прокуратураси терговчиси Бахтиёр Мўминов (у ҳозир область прокуратурасида ишлаяпти) мени қийноққа сола бошлади. Неча кунлаб оч сақлашди. Бироқ қандай қилиб тухматни тан олиш мумкин?! Мен тергов беришдан бош тортдим.

Ниҳоят, Пайариқ район прокурори И. Султоновнинг ўзи тергов қила бошлади. У ярим тунда қаердандир келарди-да, мени терговга чақирарди. У одамни масхара қилиш, устидан қулишни жуда ёқтирарди. **Унинг ғайри қонуний қилиқлари, куч ишлатиб тергов олиб боришига қарши 1985 йилнинг 15, 16 17, 18, 19... август кунлари область прокурори В. Еременко, Пайариқ райони прокурори Р. Зоҳидов ўртоқлар номига очиқ хат, талабнома ёздим. Область прокурори билан учрашишни истаб ҳар куни ёзган хатларим қаерда қолди?**

Хуллас, мен яна тергов беришдан бош тортдим. Энди ишни Жомбой райони прокуратурасига ўтказишди. Ҳузуримга ёшгина терговчи келди. «Мен Шукуровман. Айблаш фикрини Пайариқда ёзишган экан. Шуни кўчириб бера қолсин дейишди, хафа бўлманг, хизматчилик, тушунасиз-ку» деди-ю, чиқиб кетди. Шундан сўнг Иштихонда область суди аъзоси С. Сафоев раислигида суд бошланди. Давлат қораловчиси сифатида эса... А. Ўролов қатнашди.

Суд фақат бир томонлама ўтди. Мақсад жиноят бўлганми, бўлмаганми исботлаш эмас, балки ҳар қандай қилиб бўлса ҳам мени айблаш эди.

1986 йил апрель ойининг ўнинчи кунида Ўзбекистон ССР Олий Суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси очиқ суд мажлисида масалани қараб чиқди ва Самарқанд область суди жиддий камчиликларга йўл қўйганини аниқлади. Тергов жараёнидаги атайлаб уюштирилган бўхтон судда ҳам ҳукмронлик қилгани асослаб берилди. Бинобарин, коллегия ЎзССР ЖПКнинг 314-моддаси билан ажрим қилди:

«Самарқанд область судининг 17 январь 1986 йилдаги Турдиев Неъматхон ҳақидаги ҳукми бекор қилиниб, янгидан бошқа суд составида кўришлик учун Самарқанд область судига юборилсин».

Хўш, С. Сафоев раислигидаги суд нималарни четлаб ўтди. Аввало суд жиноят қилиб қамалган кишининг сўзларига ишонди-ю, ўнлаб ҳалол кишилар, коллектив фикрини менсимади. Агар мен А. Пардаевдан пул олган бўлсам, нега ўша езда даъво қилмади? Суд ишининг 1-том, 108-115 бетларидаги сўроқ протоколига эътибор ҳам бермади. 1984 йил 10 декабрида Пардаев Амир ёлғон кўргазма бермаслик ҳақидаги ЎзССР ЖКнинг 161-162-моддалари билан огоҳлантирилгач, шундай дейди:

«Мени терговчи Файзиев қўрқитиб кўргазма олди. Аслида менинг ишимга Турдиев Неъмат аралашгани йўқ. Мен А. Пардаевни қўлга туширган Э. Днёров шундай кўргазма берди:

«Ўшанда Пардаев ишни ётқизинг деб менинг олдимга келди. Лекин замполит аралашган эмас. У бундай ишларга аралашмас эди».

Хуллас, яна тергов. Асаблар емирилиб борарди. Ниҳоят, область прокуратурасидан И. Куртлушаев имзоси билан қуйидаги хат келди.

«Сиз ҳақингизда гражданин А. Пардаевдан пора олди деб кўзғатилган иш 1986 йил 18 ноябрда ЎзССР Жиноят Процессуал Кодексининг 175-моддаси 2-банди билан бекор қилинди. Қамоқда сақлаш ҳақидаги қарор ҳам тўхатилди».

Мана шу куни озодликка чиқдим. Лекин бу бутунлай озодлик эмас эди. Самарқанд область партия комитетида бўлдим.

—Партияга тиклай олмаймиз. Ишингизни далиллар етишмаганлиги учун тўхтатишган. Тажрибада кўп кўрганмиз. Яна қўзғаб қолишлари мумкин, — дейишди.

Мен юқори органларга мурожаат қилдим. Область партия комитетидагилар ҳақ бўлиб чиқишди. Область прокуратураси яна иш қўзғаб, Сиёб районига терговга юборди.

Ҳайрият, Ўзбекистон ССР Прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, юстиция маслаҳатчиси О. Г. Маценкодан хат олдим. Унда мана бундай дейилганди:

«Маълум қиламизки, устингиздан қўзғатилган жиноий иш қайта тергов даврида сизга қўйилган айб ўз исботини топмагани учун тўхтатилган. Буни Ўзбекистон ССР прокуратураси ҳам тўғри деб топган.

Мазкур иш ва бошқа ишларда сансалорликка йўл қўйгани ва қонунга хилоф йўл тутгани учун Самарқанд область прокурорининг ўринбосари ўртоқ В. Г. Раковга Ўзбекистон ССР прокурорининг 1987 йил 1 июндаги буйруғига биноан қаттиқ виговор берилди...»

Агар жарроҳ хато қилса, бемор жисмонан бир марта ўлади. Ҳуқуқ-тартибот органлари хато қилишса, била туриб ушбу хатони уюштиришса, инсон икки марта ҳалок бўлади. Биринчидан, уни тухмат балоси маънавий жиҳатдан мағлуб этса, иккинчисида сиҳат-саломатлигидан ажралади.

Мен ҳам маънавий, ҳам жисмонан мағлуб бўлиб, ҳамон ҳақиқат сўраб юрибман. Ким менинг ҳалол номимни тиклайди? Ким мени жон-дилимдан севган, ардоқлаган партиямга қайтаради? Депутат эдим. Халқ хизматини бажараётгандим. Наказлар чала қолди. Нега? Бу саволга ким жавоб беради?

Монологни оққа кўчирувчилар «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари:

У. ЮСУПОВ,
Ж. МАМАТОВ.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги ва «Комфорт» мебель ва ёғочсозлик бирлашмаси коллективлари Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрининг Ўрин. босари С. Т. Мақсудовга онаси

Маъсуда МАҚСУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон» нашриёти коллективи нашриёт ходими Н. Умаровага онаси

Умринисо УМАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбек давлат концерт-филармония бирлашмаси коллективи бирлашма солисти Ф. Мамадалиевга ўғли

Абдувохид МАМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллективи шу министрликнинг катта методисти Р. Дадаевга отаси

Дода ОБЛАЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Издается на узбекском языке



Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

• *Тингланг, томоша қилинг*

27 август, пайшанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — «90 минут». 9.35 — «Икки бор туғилган» Бадиий фильм. 11.00 — Мультфильмлар. 11.25 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.35 —Қайта қуриш прожектори. 16.45 — «Таланторларнинг қайнар булоғи» 17.15 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — «Виртуози Москви» камер оркестри ижро этади. 18.45 — Қишлоқ хўжалик би. лимлари университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.50 —Севимли Ватаним менинг. 20.00 —Кино ва томошабин. 21.30 —Время. 22.05 — Қайта қуриш прожектори. 22.15 — «Қариндош». Бадиий фильм. 23.50 —Дунё воқеалари. 00.05 — Ҳужжатли фильм.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20— «Дарвозаси тиллодан». 10.15 — Мультфильм. 10.25— П. И. Чайковский балетларидан қуйлар. 11.15 — «Петр I». Бадиий фильм, 2-серия. 12.50 —Испан тили. 13.20 — «Индия. ги кун жадвали». Бадиий фильм. 14.45 — Бадиий гимнастика. СССР чемпионати ва кубоги. 15.30 ва 18.35 —Янгиликлар. 18.45 —Ҳамдўстлик. 19.15 — Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 19.45 —«Туонель оққуши». Оркестр учун афсона. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Московский эори» бал рақслари ижрочиларининг халқаро фестивали. 21.30 — Время. 22.15 —Фильм-концерт. 23.15 —Академик эшикак эшиш. Жаҳон чемпионати. 24.00 — Янгиликлар.

УзТВ-I. 7.00 — Ритмик гимнастика. 7.20 — Тонгги тарона. лар. 7.30 — Ахборот. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 8.00 — Фильм концерт. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Болалар учун фильм. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Салом, пионерлар! 19.30 — Ахборот. 19.45 —Ҳужжатли фильм. 20.00 —Футбол. «Пахтакор—«Ротор». 20.50 — Ахборот. 21.10 —Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари.

УзТВ-II. 19.20 — Пионер телетайпи. 19.30 — Ёшлик. 20.35 —Реклама. 20.45 —Очиқ эшик. лар куни. 21.30 — Время. ФРУНЗЕ. 22.05 — Телевидение ва томошабин. 22.35 — Музикали сеанс. 23.20 —Бу сен, Киргизистон.

Радио

Биринчи программа. 8.30 — меҳнат шарофати. 9.30 — Халқ талантлари концерти. 12.10 — Ўзбекистон транспорти. 13.00— Малши. 13.35 — Совет экрани куйлари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — Ёзувчилар — болаларга. 16.00— Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига. 18.15 — Икки дунё — икки турмуш тарзи. 18.30 — Ўзбек кинофильмларидан қўшиқлар. 19.20 — Юность Узбекистана. 20.15 — Футбол. «Пахтакор» — «Ротор». 20.50 — Халқаро кундалик. 21.00 — «Қармоқ». 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — Талабларга биноан концерт. (крим татар тилида).